

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 339.54 (53.02)
ББК: 65.42 (5 ОАЭ)
М – 23

МАМАДЖОНОВ МАШХУРБЕК МАРИБОВИЧ

**ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ
ЖАҲОН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ
(БАА МИСОЛИДА)**

5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатлари)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
т.ф.д., проф. Ахмедов Д.Н.

ТОШКЕНТ – 2014

Магистратура бўлими
бошлиғи

Алимова Р.Р.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Факультет: Хорижий
мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик

Кафедра: Яқин ва Ўрта Шарқ
минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги

Ўқув йили: 2013-2014

Магистратура талабаси:

Мамаджонов Машхурбек Марибович
Илмий раҳбар: техника фанлари
доктори, профессор Аҳмедов Даврон
Насритдинович

Мутахассислиги: 5A231001 –
Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта
Шарқ минтақаси мамлакатлари)

**“Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатларининг жаҳон товар ва
хизматлар бозорига интеграциялашувининг асосий йўналишлари
(БАА мисолида)” мавзусидаги магистрлик диссертацияси
АННОТАЦИЯСИ**

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, ҳудудий номуносивбликларга барҳам бериш жаҳон хўжалик тизимида самарали интеграциялашув билан боғлиқ. Шу сабабли мазкур магистрлик диссертацияси мавзуси долзарб аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг асосий йўналишларини асослашдан иборат.

Ишнинг вазифалари:

- турли назарий қарашлар ва жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг моҳияти ва аҳамиятини ёритиб бериш;

- БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг асосий йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти этиб БААнинг жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашувига жараёнлари танлаб олинди. **Тадқиқотнинг предмети** бўлиб жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида илмий абстракция, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг услубий асоси бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

- турли назарий қарашлар ва жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида миллий хўжаликнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашининг моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган;

- БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг асосий йўналишлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи савдо билан боғлиқ дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий раҳбар
Насритдинович

Аҳмедов

Даврон

Магистратура талабаси

Мамаджонов
Марибович

Машхурбек

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

Faculty: Foreign countries economy and country studying

Department: Middle East countries economy and country studying

Year of study: 2013-2014

Master's student: Mashxurbek Maribovich Mamadjanov

Research advisor: Professor Davron Nasritdinovich Akhmedov

Specialty: 5A231001 – Foreign countries economy and country studying (Middle East countries)

Annotation of master's thesis on the subject: "The main directions of integration of Middle East region countries into commodity and service market in the world (the UAE as an example)"

Currency of subject. Supporting economic independence, losing interregional instability and achieving structural adjustments in national economy are related to integration into world economy sufficiently. From this point of view, the theme of master's thesis is very essential these days.

Purpose and objectives. Purpose of the master's thesis is to define the main directions of integration of the UAE into commodity and service market in the world.

Research objective:

-to define the main importance and essence of national economy's integration into world economy by generalizing world experience and various theories;

-to analyze the main directions of UAE's integration into world service and commodity market.

Object of study is the UAE's integration processes into world economic system. Subject of study is social-economical issues related to integration processes into world economy.

The study is based on modern scientific methods, including logical, comparative, statistical analysis.

Methodological basis of master's thesis based on the works of the President of the Republic of Uzbekistan I. A. Karimov, devoted to the development of foreign economic activity, as well as research of foreign and domestic scientists.

Scientific novelty of research results are followings:

- defined the main importance and essence of national economy's integration into world economy by generalizing world experience and various theories;

- analyzed the main directions of UAE's integration into world service and commodity market.

The practical value of the research can be used in development of new projects and programs related to foreign trade.

Structure of master's work. The work consists of an introduction, three chapters, conclusion and bibliography.

Professor

Davron Nasritdinovich Akhmedov

Master's student

**Mashxurbek Maribovich
Mamadjanov**

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Глобаллашув шароитида интеграция жараёнлари ривожланишининг назарий жиҳатлари.....	8
1. Глобаллашув – жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденцияси.....	8
2. Глобаллашув шароитида интеграция жараёнларининг моҳияти ва объектив зарурлиги.....	13
3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашуви омиллари ва шарт-шароитлари.....	20
I боб бўйича хулоса.....	30
II БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг ҳозирги ҳолати.....	33
1. БААнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва роли.....	33
2. БААнинг жаҳон хизматлар бозорига интеграциялашув хусусиятлари.....	42
II боб бўйича хулоса.....	50
III боб. БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашув тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари.....	53
1. БАА тажрибаси асосида Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви имкониятлари.....	53
2. Хорижий инвестициялар жалб этиш Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг муҳим омили.....	59
III боб бўйича хулоса.....	73
Хулоса.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Иқтисодий ислохотлар натижасида эришилган муваффақиятлар, энг муҳими, ислохотларга бўлган ёндошув амалда ўз самарасини кўрсатмоқда ва у жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Мазкур моделда жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашув миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этилган. Зеро, иқтисодиёт таркибида туб ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий мустақилликка эришиш, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, тармоқлараро ва ҳудудий номутаносибликларга барҳам бериш кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши, янги ишлаб чиқариш турларининг ўзлаштирилиши натижасида бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилди. Шу билан бирга мамлакатимизнинг тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига интеграциялашиши талаб даражасидан паст ҳолатда сақланиб қолмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг хом ашё бозорларидаги нархлар конъюнктурасига боғлиқ бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Шу муносабат Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар

географиясини янада кенгайтиришимиз керак”¹. Бу мақсадга эришишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда унинг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланиш асосида мамлакатимизнинг жаҳон товар ва хизматлар бозориги интеграциялашишини фаоллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга ва бу ҳолат мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади глобаллашув шароитида БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви тажрибасини умумлаштириш асосида республикамиз учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- глобаллашув жараёнларининг жаҳон хўжалиги алоқалари ривожланишининг асосий тенденцияси эканлигини асослаш;
- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида интеграциялашув жараёнининг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш;
- интеграция жараёнларининг шарт-шароитлари ва ривожланиш омилларини ёритиб бериш;
- инқироздан кейинги даврда БААнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш;
- БААнинг жаҳон хизматлар бозориги интеграциялашуви хусусиятларини оқиб бериш;
- БАА тажрибаси асосида Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви имкониятларига баҳо бериш;
- Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш.

¹Каримов И.А. асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон. – 2010. – Б.60.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатларининг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашув жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари бўлиб глобаллашув шароитида миллий хўжаликларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг назарий масалалари, БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш, БАА тажрибаси асосида Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимиغا интеграциялашувининг асосий йўналишларини асослаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг фарази шундан иборатки, жаҳон товар ва хизматлар бозорига самарали интеграциялашиш мавжуд табиий-иқтисодий ресурслар ва миқёс самарасидан оқилона фойдаланишга ва аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалик тизимиغا интеграциялашининг назарий асослари, унинг миллий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири классик иқтисодчилар А. Смит, Д. Рикардо, Э. Хекшер, Б. Олин, В. Леонтьев, П. Самуэльсон, Р. Вернон, М. Портер, Ж. Сакс, А. Маршалл, П. Кругман, Петер Ж. Баклей, Б. М. Карлларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган².

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1993. – 332 с; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. М.: Прогресс, 1993. – 293 с.; Peter J. Buckley Is the International Business Research Agenda Running out of Stea /Journal of International Business Studies. – London, P. 365-373.; B. M. Carl Trade and Developing world in 21st century. New York, 2001. – С.37.; Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – 267 с.; Hecksher Eli. The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income. /Economic Tidskrift/ - New York, 1993. – P.497-512.; Bertil Ohlin. Irregional and International Trade. – Cambridge, Massachuset: Harvard University Press, 1933. – С.12-15.; Paul Samuelson. International Trade and the Equalization of Factor Prices. /Economic Journal. – 1948. - P.163-184; Krugman Paul. Import Protection as Export Promotion: International Competition in the Presence of Oligopolies and Economic Scale. In: Monopolistic Competition and International Trade. – Oxford: Oxford University Press, 1984. – 354 p.; Портер М. Международная конкуренция. /Пер. с англ. Под ред. И с

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви, унинг ташкилий-иқтисодий асослари, жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувнинг институционал жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари - А.Алимов, А.Бедринцев, А.Бекмурадов, Б.Ходжаев, А.Расулев, Н.Тухлиев, А.Исаджанов, Н.Сирожиддинов, Р.Шадиев, Г.Хачиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган³.

Юқорида номлари келтирилган мутахассисларнинг тадқиқ этилаётган муаммони ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодий адабиётида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатлари, хусусан, БАА мисолида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви хусусиятлари масалаларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Бу эса ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида статистик таҳлил, тизимли ёндашув, абстракт фикрлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.; Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег: Антология экономической классики. - М.: Эконом-Ключ, 1993. – 456 с.

³Бекмурадов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект). //Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10; Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с; Шодиев Р. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития. //Xalqaro munosabatlar. 2001, №3. - с.31-38

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Магистрлик диссертациясининг асосий натижаларидан жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертациясининг материалларидан олий ўқув юртларида маъруза ва семинар маҳсулотларига тайёргарлик жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги БАА мисолида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатларининг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви хусусиятларининг комплекс тарзда ўрганилганлигида ҳамда республикамизнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувини фаоллаштириш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар тайёрланганлигида ўз аксини топади.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Глобаллашув шароитида интеграция жараёнлари ривожланишининг назарий жиҳатлари

1. Глобаллашув – жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденцияси

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон инсоният ривожининг умумий контекстини ташкил қилади, дейилса, муболаға бўлмайди. Унинг омиллари, кўринишлари, оқибатлари, турли жиҳатларини англамасдан бугунги кунда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва геосиёсий ҳодисаларни тушуниш ва тўғри идрок қилиш мумкин эмас. Бежиз эмаски, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”⁴, - деб таъкидлаган эди.

“Глобаллашув” атамаси илк бор иқтисодчилар томонидан янги бир жараён, яъни XX асрнинг 80-йилларида авж ола бошлаган жаҳон бозорларнинг бири-бирига қўшилиб кетишини ифодалаш учун қўлланила бошлаган эди. Аммо, кейинроқ шу нарса равшан бўлдики, жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви, гарчи муҳим бўлса-да, айни вақтда, глобаллашув жараёнининг фақат бир қисмидир. У эса, беҳад кенг бўлиб, иқтисодий вектор билан биргаликда ахборот-коммуникация, геосиёсий, дунёқараш ва цивилизацион хусусиятга эга бўлган жабҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашувнинг кўринишлари ва оқибатлари теварагидаги мунозаралар сўнгги йилларда нафақат жонланди,

⁴Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маъруза

балки қизғин тус олди. Нафақат айрим жамиятлар, балки бутун дунё бирига қарама-қарши турган, ва айрим вақтларда, ҳатто, уруш олиб бораётган «глобалчилар» ва «аксилглобалчилар»га ажралди.

Ҳақиқатдан ҳам, бир тарафдан, глобаллашув ахборот олиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш кооперацияси олдидаги тўсиқларни бартараф этмоқда. Аксарият кишилар глобаллашув меҳнат, капитал, товар ва ахборот ҳаракатланишига олиб келаётганини, ва бинобарин, иқтисодий самарадорлик ва инсон тараққиёти учун мисли кўрилмаган имкониятларни вужудга келтиришини аниқ англамоқдалар ва кўрмоқдалар. Миллионлаб одамлар глобаллашувни фаровон турмуш, мустақил танлаш ҳуқуқи ва янада кўпроқ эркинлик, тўлиқ ва бевосита ахборот олиш, кўпроқ ҳақ тўланадиган жойларда ишлаш, энг яхши университетларда таълим олиш имкони билан боғламоқдалар.

Глобаллашув даврида жаҳон бозорлари очиқроқ ва уларга кириб бориш мумкин бўлиб қолди. Бу эса, кўпгина “учинчи дунё” мамлакатларига экспортни жадаллаштириш сиёсатини қўллаб ҳайратланарли иқтисодий раванққа эришиш учун имконият очди. Айнан халқаро савдо “Осиё йўлбарслари” ва бошқа мамлакатларнинг юксалиши ҳамда қисқа вақт мобайнида “банана республикалар”дан қудратли оммавий саноат ишлаб чиқариши марказларига айланишларининг асосий омили бўлди. Ушбу, яқиндагина қолоқ мустамлака бўлган мамлакатларнинг аҳолиси, нафақат ўз ҳаёт тарзи, балки унинг сифатини ўзгартира билди; олдинги авлодлар тасаввур қилолмайдиган фаровонлик даражасига эришди. Майкл Элиот ёзганидек: “Осиё мўъжизасининг манбаи маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларининг глобал савдо тармоқлари билан интеграциясини рағбатлантирувчи ва миллионлар учун иш жойи барпо этган ташқи алоқаларга интилган сиёсатдадир”⁵.

⁵ Michael Elliot, Time, Vol.173, Nos.26/27, 2009, p. 37

Натижада, глобаллашув даври тарихда мисли кўрилмаган ва барча минтакаларни қамраб олган ҳаёт даражаси ва сифатининг ўсиши вақти бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йилги Инсон Тараққиёти ҳақидаги Маърузасида қайд этилганидек, сўнгги 30 йил мобайнида ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг турмуш шароити кескин яхшиланишига эришилди. Кутилажак умр кечириш бу ерда 8 йилга кўпайди. Саводсиз аҳолининг улуши қарийб икки марта, яъни 25 фоизгача камайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида ер юзи аҳолисининг ўта қашшоқликдан азоб чекаётган қисми улуши 30 фоиздан 23 фоизгача тушди. Шарқий Осиёда фақат 90-йиллар мобайнида кунига бир долларга тенг даромадга кун кечирётган одамларнинг сони тенг ярмига камайди⁶.

Глобаллашувнинг моҳияти жаҳон хўжалигининг байналмилаллашуви билан янада кенгайди. Байналмилаллашув миллий хўжаликлар фаолиятининг, хусусан, бирор мамлакатдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иқтисодий ўсиш жараёнларининг бир нечта мамлакат резидентлари иштирокида, кўпмиллатли асосда амалга оширилишини билдиради. Бошқача айтганда, трансмиллий компаниялар фаолияти миллий хўжаликларнинг тараққий этишида салмоқли таъсирга эга бўлади.

Глобаллашув жаҳон хўжалиги ривожланишининг тарихий жиҳатдан тадрижий натижасидир. Глобаллашувнинг замонавий белгилари қуйидагилардан иборат:

- янги хорижий валюта ва капиталлар бозорининг шаклланиб ривожланиши, бу бозорлар узлуксиз фаолиятда бўлиб, бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли молиявий марказлари ўртасида йирик молиявий ва валюта операцияларини амалга ошириш имконияти мавжуд;

- янги воситалар ва дастаклар орқали операцияларнинг тезлигини ва ишончлилигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги; Интернет тармоғи, уяли телефон алоқаси, ахборот тизими ва бошқалар;

⁶ Human Development Report, 2003

- янги институционал тизимнинг шаклланганлиги; Жаҳон Савдо ташкилоти, трансмиллий корпорациялар, нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.

- янги қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги; иккитомонлама ва кўп томонлама савдо, хизматлар ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва бу шартномаларнинг миллий давлатлар томонидан амал қилиниши мажбурийлиги ёки миллий қонунчиликнинг уларга мувофиқлаштирилиши.

Глобаллашувни объектив заруриятга айлантирган, жаҳон хўжалигида кейинги 25-30 йилда чуқурлашган ҳамда бир вақтнинг ўзида бир нечта ёки ўнлаб давлатларни қамраб олган муаммолар мавжуд. Улар халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларда, ижтимоий ҳаётда пайдо бўлган, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда шаклланган глобал муаммолар ҳисобланади.

Жаҳонда термоядро уруши хавфи, террорчилик ва экстремизмнинг авж олиши, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутларнинг ортиб бориши, дунёнинг баъзи минтақаларида аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги ва миллий давлатларнинг бу жараёни етарли даражада тартибга солиш имконияти чекланганлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, инсон ҳаёти учун энг зарур ресурслар – озиқ-овқат, энергия манбалари, хом ашёларнинг баъзи минтақаларда танқислиги ана шундай муаммолардан ҳисобланади.

Глобаллашув муайян мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтиши билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий-иқтисодий воқеликнинг халқаро доирада интеграциялашиши ҳамдир.

Глобаллашув хўжалик юритувчи бирликларнинг халқаро миқёсда кенгайиши ва жаҳон хўжалигида салмоқли мавқени эгаллаши, товарлар, хизматлар, иш кучи, янги технология ва капиталнинг халқаро миқёсда эркин ҳаракатланиши, инвестициялар, молия-хўжалик, миллий қадриятлар,

маданият ва санъат каби йўналишларда ҳукуматлар, алоҳида олинган ташкилотлар, миллат ва элатлар фаолиятининг миллий давлатлар доирасидан чиқиб, эркинлаштирилиши, инсон капитали, хусусан интеллектуал капиталнинг дунёнинг тараққий этган марказларига кўчиб ўтиши жараёнларини ҳам билдиради.

Илғор технологияларнинг жадал ривожланиши ва ахборот алмашувининг қулайлашиши, совуқ урушнинг ва сиёсий қутблашувнинг барҳам топиши, транспорт хизматининг кенг миқёсда тараққий этиши ва мамлакатлар ўртасида юк ташиш ва йўловчи қатновининг ортиши кабилар ҳам глобаллашув жараёнини тезлаштирган омиллардан ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олиб, пировардда алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятининг турли минтақалари билан яқиндан боғланишига олиб келди. Бу ўз навбатида янги бозорларнинг (капитал, валюта ва суғурта бозори) илғор янги воситалар - турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа орқали янада узвий интеграциялашишини ҳам таъминлади.

Глобаллашув дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари ва йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ишчи кучидан фойдаланиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, инсон омилига капитал сарфлаш соҳаларини кенг қамраб олади, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошади, меҳнат унумдорлиги ўсади, рақобатнинг кескинлашиш тенденциялари кучаяди.

Глобаллашувнинг иқтисодий жиҳатлари бир қанча йўналишларда, хусусан, халқаро савдо, инвестициялар, молиявий ва технологик глобаллашувда яққол намоён бўлади. Айтиш мумкинки, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳар қандай мамлакатнинг глобаллашув жараёнида фаол иштирок этиши ва ундан юқори даражада манфаат кўришининг асосий шартларидан биридир. Иқтисодий эркинлик, жамиятнинг юқори даражада демократик фуқаролик жамиятига айланиши глобаллашувнинг муҳим ижобий натижаларидан ҳисобланади.

2. Глобаллашув шароитида интеграция жараёнларининг моҳияти ва объектив зарурлиги

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунё мамлакатларининг жадал иқтисодий ривожланиши ва халқаро транспорт ҳамда коммуникация тизимининг такомиллашиши натижасида товарлар ҳамда хизматлар алмашинуви жараёни тезлашди. Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, ишчи кучи ва технологиялар) халқаро ҳаракатининг турли шакллари вужудга кела бошлади, Бунинг натижасида хорижга нафақат тайёр маҳсулот, балки уни ишлаб чиқариш омиллари ҳам кўчиб ўта бошлади. Товарнинг нархига кўшилган фойда эндиликда фақат миллий чегаралар доирасидагина эмас, балки хорижда ҳам яратила бошланди.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодий ривожланиш амалиёти миллий иқтисодиётларни юксалтиришда мамлакатлар ўз ички салоҳиятига таяниш билан бир қаторда ташқи омиллардан ҳам самарали фойдалана олишлари, хусусан бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликка киришиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишлари лозимлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларнинг савдо-иқтисодий алоқалари кенгайиб бориши иқтисодий тараққиётнинг янада чуқурлашишига олиб келади. Бунда кўшни мамлакатларнинг аҳамияти юқорилиги таъминланади.

“XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман – бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур”⁷.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари –Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 271.

Шу муносабат билан ҳозирда дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларини, жумладан минтақавий савдо алоқаларини ривожантиришга интилиш бежиз эмас, албатта. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатларнинг географик жойлашуви, турли хил табиий-иқлим шароитлари ва иқтисодий-ишлаб чиқариш омилларининг хилма-хиллиги минтақаларнинг ихтисослашуви ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фарқлар бўлишини тақозо қилади, яъни бу ҳолатда фарқланиш бўлиши табиий ҳолдир. Бироқ мамлакатлар ривожланишидаги кескин фарқланишни борган сари камайтиришга уринишлар минтақаларни тобора ўзаро фаол ҳамкорликка чорламоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан минтақавий савдо алоқалари тобора кучайиб бормоқда.

Ушбу юқорида санаб ўтилган ҳолатлар минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларнинг назарий-услубий жиҳатларини кўриб чиқиш ҳамда замонавий босқичда мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги минтақавий интеграцион ривожланиш жараёнларини, уларнинг глобаллашув жараёнлари билан чамбарчас боғлиқлигини чуқурроқ ўрганишнинг объектив заруриятини келтириб чиқаради.

Минтақа дейилганда географик жойлашув жиҳатидан бир-бирига яқин жойлашган, умумий иқтисодий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа нисбатан ўзгармайдиган, шу билан биргаликда уни бошқалардан ажратиб турувчи шарт-шароитлар мажмуасига эга бўлган бир ёки бир неча мамлакатлар умумий майдони чегарасидаги абстракт ёки ҳақиқий, бир бутун макон тушунилади. Эътиборли жиҳати шундаки, минтақалар чегараларини ўрнатиш ёки белгилаш жараёнида ушбу минтақаларнинг майдон жиҳатидан бўлинишларигагина эмас, балки минтақа мамлакатларига хос бўлган хусусиятлар ёки омилларнинг умумийлиги, ўзаро алоқадорлигига, боғлиқлигига катта аҳамият бериш лозим⁸.

⁸ Чайковский Д.Г. Межрегиональная торговля как фактор экономического развития региона /Вестник ОГУ. – Оренбург, 2008. – № 81. – С.12-14.

Сўнгги пайтларда тобора кўпроқ иқтисодчилар мамлакатларни алоҳида минтакаларга бўлиб, тўғрироғи бирлаштириб ўрганиш жараёнида иқтисодий муносабатлар, айниқса, бозор муносабатлари муҳим аҳамият касб этади деган фикрга келаётганлари тасодиф эмас. Бугунги кунда яна ҳам фаоллашиб бораётган иқтисодий интеграция жараёнлари бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг очиқлигини кенгайтириш, миллий ва жаҳон иқтисодиёти минтақалари, тармоқларининг узвий ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини таъминлаш иқтисодий интеграциялашувнинг объектив ролининг кучайиши ва ривожини орқали юз бермоқда.

Иқтисодиётда қўлланиладиган кўпгина атамалар сингари «интеграция» (integratio) ифодаси ҳам латин тилидан ўзлашган бўлиб, «қисмларни бутуннинг таркибида бирлаштириш» маъносини ифодалайди. Алоҳида мамлакатлар иқтисодиётларининг ягона иқтисодий ҳудудга бирлаштириш маъносида эса иқтисодий интеграция ифодаси дастлаб тараққиёт натижасида Европада истеъмолга киритилган.

Иқтисодий интеграция кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Иқтисодий интеграциянинг намоён бўлиши турлича бўлиб, улар бир-биридан ташкил топиш механизми, миллий хўжаликлар ўзаро боғлиқлик даражаси, муайян ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан фарқ қилади. Ана шу тафовутлар унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ очиқ берадиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай бўлса-да, барча интеграцион жараёнларнинг туб моҳияти бир хилдир. Интеграцияда, у Ғарбий Европа бўладими ёки Ўрта Осиёда бўладими, ёхуд Шимолий Америкада бўладими қатъий назар унда қатнашаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар миллий хўжаликларнинг таркибий қисмига айланади ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб миллий доирадан чиқади, халқаро меҳнат тақсимооти кучаяди ва натижада

ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Бироқ бу нарса интеграция амалга ошувининг бир хиллигини билдирмайди. Иқтисодий интеграция жараёни объектив ва умумбашарий жараёндир. Шу билан бир қаторда эса унинг амалиётга тадбиғи, ҳаракатлантирувчи кучлари ва миллий хўжалик комплексларининг бир-бирига чирмашиб кетиши бир-биридан фарқ қилиши мумкин ва улар ҳақиқатда бир-биридан фарқ қилади. Бундай тафовутларнинг рўй беришида ҳудудий хусусиятлар, институционал механизмлар ва бошқа бир қатор омиллар жиддий роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда мутахассислар орасида интеграциялашув жараёнларига нисбатан ягона нуқтаи назар йўқ.

Иқтисодий интеграция борасида чуқур тадқиқот олиб борган ва назарий жиҳатдан такомиллаштиришда катта ҳисса қўшган олим Б.Баласса ҳисобланади. У иқтисодий интеграция учун ягона таъриф бериш ўрнига, уни турли йўналиш ва босқичларига кўра очиб беришни таклиф этган⁹. Хусусан, унинг фикрига кўра, энг оддийдан мураккаб босқичгача бўлган савдо чекловларининг бартараф қилиниши савдо интеграцияси, мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати эркин бўлиши омиллар интеграцияси, миллий иқтисодий сиёсатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларга мувофиқлаштирилиши иқтисодий сиёсат интеграцияси ва ниҳоят, улар биргаликда тўлиқ иқтисодий интеграцияни ташкил қилади.

Жаҳонда иқтисодий интеграциянинг ривожланиш босқичлари ва унинг такомиллашув хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўрганган олим машҳур Канадалик иқтисодчи Ж.Вайнер бўлиб, у олиб борган тадқиқотлари асосида божхона иттифоқининг миллий ишлаб чиқаришга, савдони яратувчи ва савдони оғдирувчи таъсирларини кўрсатиб берган¹⁰. Тадқиқотда божхона иттифоқи натижасида савдо шериклар товар ва хизматлар бўйича имтиёзликлардан иборат бўлса, унда ташқи савдо ҳажмининг ортиши, акси бўлса, қисқариши мумкинлиги биринчи марта

⁹ Balassa B. The Theory of Economic Integration. – London: George Allen and Unwin, 1973. – P.17-40.

¹⁰ Viner J. The Customs Union Issue. - New York: The Carnegie Endowment for International Peace, 1953. – P. 9-28.

кўрсатиб берилган. Яъни, интеграция гуруҳ аъзолари ичида максимал даражада эркин савдо тизимини яратишдир. Аммо шу билан бирга, аъзо давлатлар ва ташқи давлатлар ўртасида протекционизм кўчайиши ҳамдир. Эркин савдо ҳудудини ёки божхона иттифоқи тузиш натижасида “савдо ташкил қилиш” (trade creation) самараси ёки “савдодан оғиш” (trade diversion) самараси вужудга келиши мумкин. Унга кўра: агар давлат юқори тарифли режимдан божхона иттифоқи тузса, савдо ташкил қилиш самараси вужудга келади. Агар эркин савдо режимдан божхона иттифоқига ўтса, савдодан оғиш самараси юз беради. Демак, интеграция жараёнлари ўз шакл ва босқичлари орқали мамлакатларнинг савдо алоқаларига таъсир қилар экан.

Иқтисодий интеграция жараёнининг такомиллашуви ва унинг ўзига хос жиҳатлари кўпгина мамлакатлар қатори Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам ўрганилиб, мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар иқтисодий интеграцияга қуйидагича таъриф берганлар: «Жаҳон хўжалигида иқтисодий интеграция – миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги узвий боғлиқлик, ҳамжиҳат ривожланишни таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир»¹¹ деб, асосий эътибор миллий хўжаликларнинг ўзаро боғлиқлигига ва ресурсларнинг эркин ҳаракат қилишига қаратилган.

Мамлакатимизда иқтисодий интеграция борасида қатор илмий изланишлар ҳам олиб борилган бўлиб, улардан бири Ш.Эрмаматовнинг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон ягона иқтисодий ҳудуди шаклланишининг хусусиятлари» мавзусида бажарилган иши ҳисобланади. Тадқиқотда иқтисодий интеграция билан боғлиқ хорижда ва МДХ мамлакатларида яратилган классик ва замонавий назарияларнинг кўпчилиги таҳлил қилиниб, уларнинг муҳим ютуқ ва айрим назардан четда қолган жиҳатлари

¹¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – Б. 463.

очиб берилган. Шунингдек, бу ишда иқтисодий интеграция концепцияларининг ўзига хос тадрижий таракқиёти ҳам кўрсатилиб, муаллиф минтақавий иқтисодий интеграцияга қуйидагича таъриф беради: «Худудий иқтисодий интеграция – бу ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан боғлиқ объектив жараён бўлиб, ихтиёрийлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки ва ундан ортиқ худудий бирликка эга мамлакатларнинг хўжалик алоқаларини мунтазам юритиш ва миллий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг қўшилиб кетиши ҳисобига хўжалик алоқаларини мунтазам юритиш орқали янги сифат ўзгаришларига эришиши, яхлит организмни ташкил қилишидир»¹² дея, бунда иқтисодий интеграциянинг кўпроқ ишлаб чиқаришга ва хўжалик алоқаларининг изчиллиги орқали сифатдаги ўзгаришларга таъсирлари эътиборга олинган.

Р.Шодиев ва Э.Маҳмудовлар иқтисодий интеграцияга: «Иқтисодий интеграция - хўжалик фаолиятининг байналминаллашувида олий босқич бўлиб, ўзига хос ҳуқуқий тизимлари билан ажралиб турувчи, ҳам давлатлараро, ҳам миллий негизга таянган бамаслаҳат сиёсат асосида фаолият кўрсатувчи бир бутун ягона хўжалиқдир. Бунга эса турли миллий иқтисодиётларнинг бирлашуви жараёнида эришилади»¹³ деб таърифлаган.

Интеграцияга нисбатан бу ва бошқа назарий ёндашувларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкинки, интеграция – минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашуви ва бир-бирига кириб боришини ифодалайди.

Глобаллашув жараёни минтақавий интеграцион жараёнларни, савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштиради, натижада ҳозирги пайтда хўжалик юритишни тўлиқ эркинлаштирмаган давлатлар иқтисодиётининг тобора очиклиги, барча бозорлардаги иштирокчиларнинг тўсиқларсиз иштироки таъминланади, молиявий ва савдо операцияларининг қонун-қоида ва

¹² Эрматов Ш. Ўрта Осиё ва Қозғистон ягона иқтисодий худуди шаклланишининг хусусиятлари: Иқт... фан. ном. дис. –Тошкент: Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти, 1999. – Б.29-30.

¹³ Шодиев Р., Маҳмудов Э. Жаҳон иқтисодиёти. – Т.: Ғ.Ғулом, 2005. – Б. 91-95.

чегаралари универсаллашади, бозорлар тартибга солиниб, улар назорати унификациялашади, яъни бир меъёрга келтирилади, капитал жойлаштириш, инвестицион жараёнлар ва тўлов-ҳисоб тизимини стандартлаштириш ва шу каби бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Айтиш жоизки, глобаллашув дунёни яхлит бир организмга айлантирмоқда. Бироқ жаҳон тажрибасини умумлаштириш орқали миллий хўжаликларнинг ташқи иқтисодий алоқалари кўшни мамлакатларга интилишини кўришимиз мумкин. Дунё мамлакатларнинг ўз минтақалари ва кўшни минтақаларга бундай йўналиши минтақавийлашиш деб аталади. Минтақавий кўшничилик ва яқинлик минтақавий савдо алоқаларига кўшимча асос бўлади. Албатта, бунда бирлашишнинг шакл ва даражалари мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси, уларнинг географик ўрни, тарихий қадриятлари, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алмашинувига қараб фарқланади. Шунингдек, сиёсий алоқаларнинг табиати ҳам ҳамкорлик алоқалари имкониятлари ва уларнинг тараққиётига таъсир кўрсатади. Аммо ҳозирда амал қилаётган ва энди тузилаётган минтақавий гуруҳларнинг умумий жиҳати – умумий келишув асосида савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун катта-кичик имтиёзлар яратишдан иборат¹⁴.

Минтақавий интеграциялашув глобаллашувга зид жараён ёки акс ҳодиса эмас. Балки ушбу жараёнларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил шарт-шароит асосида ва бирдай ҳаракатлантирувчи кучлар таъсирида ривожланидилар, узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган байналминаллашув жараёнини бирдай жадаллаштирадилар. Фарқи шундаки, глобаллашув байналминаллашувнинг имкони борича ташқарига йўналтирилган жуда катта масштаблардаги, яъни кенг миқёс ва кўламдаги тараққиёти билан боғлиқ янги сифат босқичи бўлса, ўз навбатида интеграция эса бу жаҳоннинг нисбатан ривожланган минтақалари доирасидаги байналминаллашувнинг имкон қадар ичкарига йўналтирилган

¹⁴ Зайнитдинова У. Д. Теоретические основы и региональные аспекты развития торгового сотрудничества. Тошкент, 2010. – С.12-15.

тараққиётидир. Бошқача айтганда, минтақавий интеграцион гуруҳлар – бу бутун дунё бўйлаб турли хил интенсивлик, яъни жадаллик билан кечаётган иқтисодий жараёнларнинг тўпланган жойи. Уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши глобаллашувга тўсқинлик қилмайди, балки аксинча уни рағбатлантиради.

Интеграцион жараён ўз табиатига кўра объектив жараёндир. Унинг асосий мақсади аъзо-мамлакатлар ёрдами билан ўхшаш ижтимоий-иқтисодий таркибий тузилишга эга икки ёки ундан ортиқ мамлакатларнинг миллий хўжаликлари ўртасида ҳар томонлама мустаҳкам савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан иборатдир. Шу сабабдан ҳам интеграцияга нисбатан «минтақавий» тушунчаси ишлатилганда, шунчаки, у ёки бу ташкилотнинг географик чегараларигина тушунилмаслиги лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунда қўшни-мамлакатларнинг тарихан таркиб топган иқтисодий-географик ва хўжалик-маданий комплексларини, демографик таркиби, этник тарихи ва бошқаларни назарда тутувчи минтақавий умумийлиги тушунилади.

3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви омиллари ва шарт-шароитлари

Халқаро иқтисодий интеграция алоҳида олинган мамлакатлар хўжалик-иқтисодий ва сиёсий тизимининг ўзаро бирлашиши ва қўшилишини билдирувчи жараён бўлиб, бунда оқилона меҳнат тақсимооти ва ихтисослашиши натижасида турли даражадаги ҳамкорлик алоқалари иқтисодий ва ижтимоий самара беради, ҳамда барқарор иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилади. Иқтисодий интеграция жараёнлари пировардида такрор ишлаб чиқариш, хўжалик, илмий-ишлаб чиқариш ва савдо алоқалари узвий характер касб этади, интеграцион ҳамкорликка аъзо ҳар бир мамлакат ўзи учун қулай шарт-шароитларга эга бўлади.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалигининг узоқ тарихий тараққиёти натижаси бўлиб, бир нечта босқичларда ривожланди.

Биринчи босқичда турли мамлакатлар ўртасида эркин савдо муносабатлари шаклланган ва божхона чекловлари, экспорт квоталари бекор қилинган бўлса, кейинги босқичда эркин иқтисодий зоналар шакллантирилиб, бунга бир нечта давлатлар аъзо бўлганлар. Эркин иқтисодий зоналарда нафақат товар ва хизматлар савдоси олдидаги тўсиқлар олиб ташланган, балки саноат ишлаб чиқариши, банк, суғурта хизмати ва технологиялар савдо сотиғида ҳам эркин муносабатларга шарт-шароит яратилган.

Учинчи босқичда аъзо давлатлар ҳудудида умумий бозор шакллантирилиб, бу амалда миллий бозорларнинг ўзаро қўшилишини билдирди. Умумий бозор қоидаларига кўра ишчи кучи, капитал ва товар ва хизматларнинг миллий бозорлар ўртасида эркин ҳаракатланиши таъминланди, давлатлар ўртасидаги иқтисодий чегараларга барҳам берилди. Умумий бозор тарихан биринчи марта Европада шакллантирилган бўлиб, расман бу бозорнинг барпо этилганлиги 1957 йилда тасдиқланган.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг кейинги – тўртинчи босқичи иқтисодий ва валюта иттифоқи доирасида ривожланган бўлиб, бу тизимда давлатлар ўртасида молия, пул муомаласи ва банк хизмати соҳасида интеграциялашув рўй берган. Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо 15 давлатдан 12 тасида ягона пул бирлиги – евро 2001 йилдан тўла амал қила бошлади ва миллий пул бирликлари муомаладан чиқмоқда. Ҳозирда Европа Иттифоқида ягона солиқ тизими, миллий бюджетлар билан ёнма-ён ягона бюджет тизими жорий қилинган.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг сўнгги босқичида давлатлар ўртасида сиёсий бутунликни таъминлаш тенденциялари кучайиб, интеграцион бирлашмага аъзо давлатлар халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга нисбатан ягона ёндошувини ишлаб чиқадилар,

умумий сиёсий муносабатларини шакллантирадилар. Бу кейинги ўн йилликда Европа Иттифоқининг сиёсий ташкилий тузилмалари (Европа парламенти, Европа комиссияси, ЕХХТ кабилар) фаолиятида яққол намоён бўлаяпти.

Халқаро интеграцион алоқаларнинг йўлга қўйилиши аъзо мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари учун моддий, молиявий, меҳнат, илмий-техник ва инновацион ресурслардан янада кенгроқва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини ҳам яратади. Бундан ташқари миллий бозорларнинг яқинлашиши ва қўшилиб кетиши натижасида товар ишлаб чиқарувчилари миқёс самарасидан фойдаланадилар, ижтимоий ва экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятлари юзага келади.

Жаҳон хўжалигидаги кейинги даврда меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашиши, ахборот алмашиш тезлигининг ортиши ва қўламининг кенгайиши, алоқа ва транспорт хизматларининг байналмилаллашуви интеграцион алоқаларни янги, сифат босқичига олиб чиқмоқда.

XXI аср бошига келиб, жаҳон хўжалиги миллий хўжаликлар ва минтақавий интеграцион бирлашмаларнинг маълум маънода халқаро иқтисодий ташкилотлар, трансмиллий компаниялар, молия-саноат гуруҳлари ҳамда миллий ҳукуматлар томонидан тартибга солинадиган муносабатлари тизимидан иборат бўлмоқда. Иқтисодиётнинг байналмилаллашуви, жаҳон бозорларининг шаклланиши, миллий хўжаликларнинг бир-бирига яқинлашиши ва қўшилиб кетиши объектив тарихий мазмун касб этаяпти.

Ўтган асрда халқаро иқтисодий муносабатлар жадал ривожланди ва миллий хўжаликларнинг тараққиёт йўналишларига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Товар ва хизматлар савдоси, капитал чиқариш ва киритиш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техника ҳамкорлиги ва ишчи кучи миграцияси каби йўналишларни қамраб олган ташқи иқтисодий алоқалар миқдор ва сифат жиҳатидан кескин ўсди, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви ва байналмилаллашуви доираси кенгайди. Айниқса,

трансмиллий капиталнинг фаолияти миллий хўжаликлар тизими ривожланишига жиддий таъсир кўрсата бошлади. Кейинги йилларда жаҳоннинг ялпи маҳсулоти ўсиш суръатларига нисбатан ялпи экспорт ҳажми ўсиш суръатлари юқори бўлмоқда. Масалан, 1991-2000 йилларда жаҳонда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, жами экспорт ҳажмининг ўсиш суръатлари 5,6 фоиздан иборат бўлган.¹⁵ Бу глобаллашув жараёнлари жадаллашаётганлигини ва кўплаб мамлакатларда ташқи иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилаётганлигини билдиради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиб боришида илмий-техника тараққиёти ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришда қўллашнинг роли ортиб бораёпти. Замонавий фан, техника ва технология тараққиёти янги турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш миқёсини шу даражада кенгайтириш имкониятини бермоқдаки, натижада бир томондан, миллий бозорлар торлиги муаммоси келиб чиқмоқда, минтақавий бозорларни кенгайтириш ва халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарурати янада ортмоқда, иккинчи томондан эса мамлакатларнинг илмий-техника соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишлари долзарб вазифага айланмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимооти ҳозирги даврда тармоқлар бўйича ихтисослашишни эмас, балки тармоқларичи ишлаб чиқаришга ихтисослашишни тақозо этаяпти. Автомобиллар, компьютерлар ва бошқа маиший техникаларни ишлаб чиқаришда бир неча мамлакатлар ўзаро кооперация алоқаларини биргаликда ташкил этмоқдалар.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг жадаллашишига ахборот ва коммуникация воситаларининг ривожланиши ҳам катта ижобий туртки бўлмоқда. Натижада янги техника ва технологиялар, илмий ишланмалар ва янгиликлар дунёнинг исталган минтақасига ёки давлатига қисқа

¹⁵ Дайнеко А.Е. Важнейшие тенденции развития мировой экономики // Белорус.экономика: анализ, прогноз, регулирование. Эко.бюллетень НИЭИ Минэкономики РБ. 2003. №1С.4.

муддатларда етиб бормоқда ва кенг тадбиқ этилмоқда, бу капитал ва ишчи кучининг мобиллиги даражасини ҳам оширмоқда.

Ўтган асрнинг охирги ўн йилликларида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожда молия капиталининг роли ортди. Жаҳон молия бозори марказларининг минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграцияни ривожлантиришдаги аҳамияти уларнинг йирик хусусий ва давлат инвестицион лойиҳаларини амалга оширишга қулай молиявий шарт-шароитлар яратиши билан боғлиқдир. Турли молиявий дастакларнинг ортиб бориши халқаро молиявий тизимининг такомиллашишига ва миллий чегаралардан ташқарида молиявий муносабатларнинг ривожланишига олиб келди.

Халқаро валюта бозорининг институционал таркибий қисми бўлган банклар, валюта биржалари, брокерлик конторалари, бошқа молиявий муассасалар дунёнинг исталган нуқтасида фаолият юритиш имкониятига эга бўлаяптики, бу халқаро иқтисодий интеграциянинг янада ривожланишига шарт-шароит яратаяпти. Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт-на-Майн, Сингапур каби жаҳон валюта бозори марказлари нафақат ўзлари жойлашган минтақаларда, балки бошқа минтақаларда ҳам интеграцион алоқаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши бир қатор объектив омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро меҳнат тақсимооти, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашиши;
- илмий-техника тараққиётининг жадаллашиши, ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;
- минтақавий интеграцион алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши;
- хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви;
- трансмиллий компаниялар ва молия-саноат гуруҳларининг ташкил

топиши.

Халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида олинган мамлакатнинг маҳсулот ва хизматлар турларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашишини билдиради. Мамлакатлараро ихтисослашув ва кооперация бўлганлиги сабабли миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашуви содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида трансмиллий корпорациялар, саноат-молия гуруҳлари ва бошқа ташкилий-худудий тизимлар шаклланишига олиб келаяпти.

Илмий-техника тараққиётининг замонавий босқичида компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш эвазига ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви янги сифат босқичига ўтади. Мамлакатлар ўртасидаги илмий ва илғор технологик маҳсулотларнинг айирбошланиши жадаллашади. Янги технологияларни ишлаб чиқариш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсда янги компаниялар, илмий-тадқиқот лабораториялари ва марказлари, молиявий-саноат гуруҳлари шаклланади ва ривожланади.

Глобаллашув жараёнида илгари шаклланган интеграцион бирлашмалар фаолияти такомиллашган бўлиб, ундан ташқари янги тузилмалар пайдо бўлди. Агар Европа Иттифоқи, НАФТА, ОПЕК, МДХ каби интеграцион ташкилотлар фаолияти кенгайган ёки чуқурлашган бўлса, Жаҳон банки, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро Молия корпорацияси каби халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари кенгайди, миллий иқтисодиётлар ривожланишидаги роли ошди.

Глобаллашув жараёнининг кейинги босқичида жаҳон бозори ва унинг сегментларининг аҳамияти ортмоқда. Булар жаҳон товар ва хизматлар бозори, капитал, қимматли қоғозлар, меҳнат, ахборот ва янги технологиялар, илмий ишланмалар (патент ва лицензиялар), валюта ва пул-кредит бозорларидир. Қайд этилган бозорлар ўзаро боғланган ва минтақавий ҳамда континентал доирада мураккаб амал қилиш тизимини ташкил этади. Натижада ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳадаги меҳнат тақсимоти ана шу бозорларнинг амал қилиш хусусиятлари ва йўналишлари таъсирида чуқурлашди.

Глобаллашув жараёнидаги жадал ривожланиш тенденциясига эга йўналишлардан бири бу – трансмиллий компаниялар фаолиятининг кенгайиши ва миллий иқтисодиётлар тараққиётидаги таъсири кучайганлигидир. Трансмиллийлашиш бу - хусусий фирмалар доирасида амалга ошаётган давлатлараро интеграциялашиш ҳисобланади.

БМТ ёндошувига кўра трансмиллий компаниялар мақоми қуйидаги компанияларга берилади:

- фаолият тури ва юридик мақомидан қатъий назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда шуъба корхонасига эга компаниялар;
- ўзларининг хорижий фирмалари фаолиятини мувофиқлаштириб, бошқариб турган компаниялар.

БМТ экспертлари ана шундай компанияларни аниқлашда трансмиллийлашиш индекси кўрсаткичидан фойдаланади. Бу индекс компания умумий кўрсаткичларида (жами бандлар, сотиш ҳажми, активлари ва бошқ.) хорижий фаолият натижалари(хориждаги банд аҳоли, сотиш ҳажми, активлари ва бошқ.)нинг улуши кўрсаткичларининг ўртачасини ҳисобаш орқали аниқланади. Дунёнинг энг йирик 100 трансмиллий компанияси бўйича ҳисобланган индекс 22-95 фоизни ташкил этади.

Маълумки, трансмиллий компаниялар фаолияти миллий иқтисодиётларни географик жойлашувига кўра эмас, балки такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро мослиги ва уйғунлигидан келиб чиқиб бир-бирига боғлайди. Ҳозирги кунда дунёда 40 мингдан ошиқ трансмиллий компаниялар фаолият кўрсатади, шундан 500 таси жаҳон хўжалигида, хусусан, миллий иқтисодиётлар тараққиётида салмоқли мавқени эгаллайди.

Мазкур 500 ТМК дунё ишлаб чиқаришининг қарийб 50 фоизи ва савдосининг тахминан 60 фоизини назорат қилади. Жумладан, бу ТМКлар дунё буғдой, кофе, маккажўхори, тамаки, ёғоч материаллари, темир рудаси савдосининг 90 фоизини, мис ва боксид савдосининг 85 фоизи, қалай ва

чой савдосининг 80 фоизи, табиий каучук ва хом нефт савдосининг 75 фоизини назорат қилмоқда.

ТМҚда йирик капиталнинг жамланиши уларнинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг техник ва технологик тараққиёт суръатларини жадаллаштиришга имкони бераяпти. Шу сабабли янги техника ва замонавий технологиялар патенти ва лицензиялари ҳажмининг қарийб 80 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳар бир тармоқда 2-3 ТМҚ жаҳон бозорида ҳукмрон мавқеини эгаллайди. Масалан, йилига 16 минг дона йўловчи самолёти сотиладиган ва умумий ҳажми деярли 1 трлн. АҚШ долларига тенг дунё бозорида американинг «Боинг» ва Европанинг «Эйрбус индастри» компаниялари ҳукмрон мавқега эгалар.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, интеграцион жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши нисбатан узоқ даврни қамраб олади. Бу жараёнларнинг амал қилиш механизми эса, мантиқий кетма-кетликда босқичма-босқич шаклланади.

Интеграцион муносабаталарнинг амал қилиши асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматлар халқаро савдоси;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик;
- халқаро илмий-техника ҳамкорлиги;
- минтақавий интеграцион бирлашмаларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Халқаро савдо дунёдаги барча мамлакатларнинг ташқи савдосини қамраб олувчи жамлама тушунча бўлиб, халқаро товар-пул муносабатлари соҳаси ҳисобланади. Бу бозорда харидор ва сотувчилар сифатида давлат, давлат корхоналари, трансмиллий компаниялар, халқаро ташкилотлар, турли фирмалар, алоҳида жисмоний шахслар фаолиятда бўлиши мумкин.

Мамлакатлар ўзаро интеграцион алоқаларининг асосини товар ва хизматлар савдоси ташкил этади. Шу сабабли улар мазкур савдо

алоқаларини эркинлаштириш, ўзаро қулай савдо шарт-шароитлари яратиш, протекционистик воситаларга барҳам бериш, тарифли савдо тартибини такомиллаштириб бориш, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш кабилар орқали интеграцион муносабатларини тартибга солиш ва рағбатлантиришга ҳаракат қиладилар.

Интеграциянинг муҳим механизмларидан яна бири ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштиришдаги халқаро ҳамкорлик ҳисобланади. Бунинг асосида алоҳида товарлар гуруҳи, товар ёки товарнинг эҳтиёт қисмини ишлаб чиқаришда тармоқ ва тармоқичи ихтисослашуви ётади. Бошқача айтганда, у ёки бу мамлакат юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш ва харажатларини имкон қадар камайтириш учун муайян ишлаб чиқариш йўналишига ихтисослашади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий шакллари товар ишлаб чиқариш ва сотишдаги кооперация, корхоналарга биргаликда эгалик қилиш (қўшма корхона), курилиш соҳасидаги концорциумлар ташкил этиш кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик интеграцион алоқаларда ўзининг барқарорлиги ва доимийлиги билан, лойиҳаларни кенг қамраб олиши билан ажралиб туради. Узоқ муддатли шартномалар асосида бундай ҳамкорликни нафақат ривожланган давлатлар ўртасида, балки тараққиёт даражасида тафовут катта бўлган саноатлашган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам ривожлантириб бориш имконияти катта.

Халқаро интеграцияда илмий-техника ҳамкорлигининг аҳамияти сўнгги ўн йилликларда ортиб бормоқда. Чунки илмий-техника тараққиёти миллий хўжаликларнинг жадал ривожланишига, ижтимоий-маиший муаммоларни нисбатан тез ҳал қилишга имконият яратмоқда.

Илмий-техника ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини амалга ошириш, техник ва муҳандис ходимлар гуруҳини шакллантириш ва қўшма лойиҳаларда қатнашиш, илмий-

тадқиқот марказлари, лабораториялари, бюрolari ташкил этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш кабиларда намоён бўлмоқда.

Айни вақтда, дунё мамлакатларининг илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳияти жаҳоннинг муайян марказларида тўпланиб қолиши тенденцияси кучаймоқда. Бу марказлар асосан, АҚШ, Европа ва Жанубий-Шарқий Осиё (Япония, Жанубий Корея кабилар) ҳисобланади. Ривожланишнинг ҳозирги босиқичида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш олдига юқори инновацион салоҳиятни, юқори илмий малакали ходимларни, чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар мажмуасини шакллантириш талабини қўймоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатларнинг ахборот таъминоти ва алмашинувида, илмий-инновацион инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорликда ишлашларини тақозо этаяпти.

Мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар савдосини кенгайтириш, ишлаб чиқариш кооперациясини таъминлаш, илмий-техника ҳамкорлигини чуқурлаштириш уларнинг ҳудудий жиҳатдан яқин бўлишини объектив заруратга айлантирган. Шу сабабли, ривожланиш даражасидан қатъий назар, баъзи мамлакатлар ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантирган.

Интеграция йўналишига кўра иккига бўлинади. Улардан биринчиси, минтақа, иккинчиси, халқаро миқёсдаги интеграциядир. Интеграциянинг ана шу кўринишлари ўзаро тўлдирувчанлик хусусиятига эга. Минтақавий ва халқаро интеграциядан мақсад иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мамлакатларнинг манфаатларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Мамлакатларнинг географик жойлашган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва шу каби бошқа омиллар интеграциянинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан интеграциялашаётган мамлакатлар, аввало, минтақавий интеграцияни устун такомиллаштириб

борадилар. Бунга Европа Иттифоқи, Шимолий Америка эркин савдо худуди (NAFTA), Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатларнинг минтақа миқёсида интеграциялашуви орқали халқаро интеграция ривожланиб бориши учун тегишли шарт-шароитлар яратилиб борилади. Чунки, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо минтақавий интеграциянинг ривожини учун асос бўлгани сингари, минтақавий интеграция ҳам халқаро интеграция ривожланиши учун хизмат қилади.

Минтақавий доирада интеграциялашаётган мамлакатлар, аввало, ўзаро ташқи савдони чеклашга қаратилган квота каби тўсиқларни бартараф қиладилар. Шундан сўнг, кейинчалик ягона божхона тизими шаклланади, минтақавий интеграцияга аъзо мамлакатлар учун бир хил бож ставкалари жорий этилиб, унинг тўла амал қилишига эришилади. Бу жараён мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг ривожланишини янада рағбатлантириш учун, солиқ тизимидаги имтиёз ва турли чекловларни бекор қилиш мақсадида, интеграцион ҳудудга кирувчи давлатларда солиқ ставкаларининг яқинлаштирилишини ҳам тақозо этади.

Божхона божлари ва солиқ ставкаларининг яқинлаштирилиши ёки тенглаштирилиши ҳудудий доирада ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, миқёс самарасига олиб келади. Интеграцион ҳудудга кирувчи мамлакатларнинг бирортасидаги истеъмол ҳажмининг кўпайиши, ишсизликнинг ортиши, даромадлар миқдорининг ўзгариши каби тенденциялар қолган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, интеграцион бирлашма доирасида институционал механизмнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Европа Иттифоқининг сиёсий-ташкилий тузилмалари (Европа парламенти, Европа комиссияси, ЕХХТ кабилар), иқтисодий-ташкилий тизими (ягона пул бирлиги, ягона бюджет, иқтисодий кўмиталар) фаолияти бунга яққол мисол бўлади.

I боб бўйича хулоса

1. “Глобаллашув” атамаси илк бор иқтисодчилар томонидан янги бир жараён, яъни XX асрнинг 80-йилларида авж ола бошлаган жаҳон бозорларнинг бири-бирига қўшилиб кетишини ифодалаш учун қўлланила бошлаган эди. Аммо, кейинроқ шу нарса равшан бўлдики, жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви, гарчи муҳим бўлса-да, айтилган вақтда, глобаллашув жараёнининг фақат бир қисмидир. У эса, беҳад кенг бўлиб, иқтисодий вектор билан биргаликда ахборот-коммуникация, геосиёсий, дунёқараш ва цивилизацион хусусиятга эга бўлган жабҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

2. Глобаллашувнинг замонавий белгилари қуйидагилардан иборат:

- янги хорижий валюта ва капиталлар бозорининг шаклланиб ривожланиши, бу бозорлар узлуксиз фаолиятда бўлиб, бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли молиявий марказлари ўртасида йирик молиявий ва валюта операцияларини амалга ошириш имконияти мавжуд;

- янги воситалар ва дастаклар орқали операцияларнинг тезлигини ва ишончлилигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги; Интернет тармоғи, уяли телефон алоқаси, ахборот тизими ва бошқалар;

- янги институционал тизимнинг шаклланганлиги; Жаҳон Савдо ташкилоти, трансмиллий корпорациялар, нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.

- янги қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги; иккитомонлама ва кўп томонлама савдо, хизматлар ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва бу шартномаларнинг миллий давлатлар томонидан амал қилиниши мажбурийлиги ёки миллий қонунчиликнинг уларга мувофиқлаштирилиши.

3. Интеграцияга нисбатан турли назарий ёндашувларни умумлаштириш унга қуйидагича таъриф бериш имконини бериб: интеграция – минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий

муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашуви ва бир-бирига кириб боришини ифодалайди.

4. Бугунги кунда халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши бир қатор объектив омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашиши;

- илмий-техника тараққиётининг жадаллашиши, ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;

- минтақавий интеграцион алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши;

- хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви;

- трансмиллий компаниялар ва молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши.

II БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг ҳозирги ҳолати

1. БААнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва роли

Бирлашган Араб Амирликлари жаҳондаги энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айнан Амирликлар ҳудудида нефть захираларининг аниқланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. БААнинг тасдиқланган нефть захиралари 97800 млн. баррелни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, бу рақам 2007 йилдан буён ўзгармасдан қолмоқда¹⁶.

БААда 2001-2012 йиллар давомида ўртача нефть қазиб олиш кунига 1894 минг баррелдан 3,087 минг баррелгача ўсди. Бугунги кунда БАА жаҳон нефть бозорининг энг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади (2.1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўририб турибдики, 2012 йилда БААда 1 кунда 3,087 млн баррель нефть қазиб олинган ва бу кўрсаткич бўйича араб мамлакатлари орасида Саудия Арабистони ва Ироқдан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

БААнинг жаҳон бўйича нефть қазиб олиш ҳажмидаги улуши 3,67 фоизни ташкил этади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, БАА нефть қазиб олиш ҳажми бўйича араб мамлакатлари орасида учинчи ўринни эгалласа-да, унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича араб мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди.

БААда нефть қазиб олиш асосан иккита амирлик – Дубай ва Абу Даби томонидан амалга оширилади. Бу икки амирликка БААда қазиб олинadиган барча нефтнинг 90 фоиздан кўпроғи тўғри келади. Шу билан

¹⁶Васильева Ю.П. Экономика стран экспортеров нефти (ОПЕК) /Электронный научный журнал «Нефтегазовое дело», 2012, № 6. – С.576.

бирга кейинги йилларда бошқа амирликларда ҳам геология-қидирув ишлари фаоллашганлигини таъкидлаш зарур.

2.1-жадвал

Араб мамлакатларида нефть қазиб олиш

Мамлакат	2012 йилда нефть қазиб олиш ҳажми (1 кунда млн. барр.)	2012 йилда жаҳон нефть қазиб олишдаги улуши (%)
Саудия Арабистони	10,08	18,96
Ироқ	3,3	3,92
БАА	3,087	3,67
Қувайт	2,682	3,19
Жазоир	1,885	2,24
Қатар	1,601	1,3
Уммон	0,821	1,05
Миср	0,712	0,85
Ливия	0,502	0,6
Сурия	0,333	0,4
Яман	0,162	0,19
Судан	0,120	0,14
Тунис	0,07	0,08
Баҳрайн	0,045	0,05
Иордания	0,002	0,02

Манба: <http://www.eia.doe.gov/iea/pet.html>.

БААнинг нефть захираларига бой эканлиги ва шу сабабли бу ерда йирик миқдорда нефть қазиб олиниши ва экспорт қилиниши мамлакатни ҳар йили йирик миқдордаги молиявий маблағлар билан таъминлайди. Гарчи сўнгги йилларда иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да, ҳали ҳам бюджет даромадлари, ялпи ички маҳсулот шаклланиши ва экспорт тушумлари ҳажмида нефть экспортдан тушган даромадлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

БААнинг жаҳон нефть бозорига интеграциялашувининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у жаҳон бозорига ОПЕКка аъзо мамлакат сифатида қатнашади. Нефть экспорт қилувчи 12 та мамлакатни (Эрон, Ироқ, Қувайт, Саудия Арабистони, Венесуэла, Қатар, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жазоир, Нигерия, Эквадор ва Ангола) ўз

ичига олган бу халқаро давлатлараро ташкилот (картель)нинг мақсади ташкилот аъзоларининг нефть казиб олишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга нисбатан умумий сиёсатни юритиш, нефтга бўлган барқарор нархларни ушлаб туриш, истеъмолчиларга нефтни узлуксиз етказиб бериб туриш, нефть тармоғига киритилган инвестициялардан қайтим олишни таъминлашдан иборат.

2.2-жадвал

ОПЕК мамлакатларининг 2007-2011 йиллардаги экспорти динамикаси, млн. доллар

	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан, %
Жазоир	63455	82035	48522	57090	73390	115,6
Ангола	44396	63914	40828	50595	65689	148,0
Эквадор	14321	18511	13799	17369	22292	155,6
Эрон	97668	101289	87534	101950	130544	133,7
Ирок	40448	63726	42405	54599	85635	211,7
Қувайт	62498	87446	53974	67036	103490	165,6
Ливия	46970	61950	37055	48935	16463	35,0
Нигерия	66969	86967	52657	77844	108296	161,7
Қатар	41491	55727	48306	72790	107095	258,1
Саудия Арабистони	233174	313462	192296	251143	360092	154,4
БАА	178606	239180	191776	212262	252556	141,4
Венесуэла	69980	95021	57603	65745	92602	132,3
ОПЕК бўйича жами	959977	1269228	866757	1077358	1418145	147,7

Манба: ОПЕК ва <http://data.worldbank.org/>

ОПЕКка аъзо барча давлатлар иқтисодиёти битта ресурсга боғланиб қолганлиги билан тавсифланади. ОПЕКка аъзо мамлакатларда жами экспорт тушумларининг 48 фоизидан 97 фоизигачасини нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил этади.

Шу сабабли бу мамлакатлар жамоавий тарзда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар. 2.2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 2007-2011 йиллар давомида ОПЕКка аъзо барча

мамлакатларда экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилади. Жумладан БААда экспорт ҳажми таҳлил қилинаётган давр мобайнида 178,6 млрд. доллардан 252,5 млрд. долларгача, яъни 41,4 фоизга ўсган. Экспортнинг умумий ҳажми бўйича БАА ОПЕКка аъзо мамлакатлар орасида Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Бу мамлакатларнинг импорти ҳажми экспорт ҳажмига кучли боғланган. Шу сабабли аксарият ҳолларда бу мамлакатларда экспорт ҳажмининг ўсиши импорт ҳажмининг ҳам ўсишига олиб келади. Чунончи, 2007-2011 йиллар давомида БААнинг импорт ҳажми экспортга мутаносиб равишда ўсган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

ОПЕК мамлакатларининг 2007-2011 йиллардаги импорти динамикаси, млн. доллар

	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан, %
Жазоир	26350	37990	37400	40472	46453	176,3
Ангола	13662	20982	22660	16667	21736	159,1
Эквадор	13893	18685	15093	19961	22946	165,2
Эрон	58240	70199	66598	65769	68319	117,3
Ироқ	21332	32888	36858	39275	50581	237,1
Қувайт	21313	24872	20340	22413	25267	118,5
Ливия	12954	19644	21165	21940	10104	78,0
Нигерия	28291	39844	33747	44129	63949	226,0
Қатар	23430	27900	24922	23240	25672	109,6
Саудия Арабистони	90157	115134	95544	106863	129017	143,1
БАА	150103	200300	170127	183430	210945	140,5
Венесуэла	46660	50971	39646	38613	46441	99,5
ОПЕК бўйича жами	506385	659410	584100	622772	721430	142,5

Манба: ОПЕК ва <http://data.worldbank.org/>

2.3-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, БАА импорти ҳажми 2007 йилда 150 млрд доллардан 2011 йилда 210,9 млрд. долларгача, яъни 40,5 фоизга кўпайган.

БАА ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда доимий тарзда экспортнинг импортга нисбатан юқори бўлиши ва бунинг натижасида ташқи савдода ижобий сальдо кузатилади. Хусусан, 2011 йилда БАА ташқи савдосида 41,6 млрд. долларлик ижобий сальдо шаклланган.

ОПЕКка аъзо мамлакатлар, шу жумладан, БАА экспортини нефть экспорти динамикаси билан солиштириш натижалари шундан далолат берадики, бу икки кўрсаткич мутаносиб равишда ривожланган. Бу эса ушбу мамлакатлар экспортининг ҳали ҳам нефть экспортига кучли боғлиқлигини кўрсатади.

2.4-жадвал

ОПЕК мамлакатларининг 2007-2011 йиллардаги нефть экспорти динамикаси, млн. доллар

	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан, %
Жазоир	44481	53706	30584	38209	51405	115,6
Ангола	43004	62457	39803	49352	64434	149,8
Эквадор	8329	11643	6965	9649	14023	168,4
Эрон	69248	89855	55746	72228	114751	165,7
Ироқ	39433	61111	41668	52290	83006	210,5
Қувайт	59006	82672	48914	61754	96724	163,1
Ливия	42852	60199	36966	46115	11823	27,6
Нигерия	51170	74305	44732	65674	86204	168,5
Қатар	22817	28156	19134	31474	44751	196,1
Саудия Арабистони	205452	280998	161914	215385	348480	169,6
БАА	73816	102073	52871	66864	104543	141,6
Венесуэла	62652	89034	54201	62314	88131	140,7
ОПЕК бўйича жами	722258	996209	593497	771310	1078275	149,3

Манба: ОПЕК ва <http://data.worldbank.org/>

2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, 2007-2011 йиллар давомида БААнинг нефть экспорти ҳажми 73,8 млрд. доллардан 104,5 млрд. долларгача, яъни 41,6 фоизга

ўсган. Кўриниб турибдики, БААнинг ташқи савдо айланмаси ва нефть экпорти динамикаси дефрли тўлиқ бир-бирига мувофиқ келади.

Буни БААда ташқи савдо айланмаси ҳажмида нефть экспорти улушининг ўзгариши кўрсаткичи яққолроқ ифодалайди.

2.5-жадвал

БААда экспорт ва нефть экспорти динамикаси

	2007	2008	2009	2010	2011
Жами экспорт	178606	239180	191776	212262	252556
Нефть экспорти	73816	102073	52871	66864	104543
Нефть экспортининг жами экспортдаги улуши, %	41,3	42,7	27,6	31,5	41,4

Манба: 2.2 ва 2.4-жадвал маълумотлари асосида ҳисобланган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, БАА экспортининг 2007 йилда ҳам, 2011 йилда ҳам 41,4 фоизи нефть экспорти ҳиссасига тўғри келган. Бу шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида миллий иқтисодиётни диверсификациялашдан кутилган натижага эришилмаяпти. Шу сабабли миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириш жаҳон товарлар бозорига интеграциялашишнинг муҳим йўналиши сифатида БАА иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади. Шу сабабли яқин келажакда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш - бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларни оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс самарасига эришиш мақсадида саноат ишлаб чиқариши кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш натижасида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хом ашё бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқлигини пасайтириш саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Пировард мақсад эса саноат тармоқларини замонавийлаштириш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборат.

БААда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш зарурияти қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисми нефть ва газ сектори ҳисобига шаклланади. Бу эса БАА иқтисодиётини жаҳон нефть бозорига боғлиқ қилиб қўяди;

- жаҳон хом ашё бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариши нефть ва газдан олинувчи даромадларнинг тез-тез ўзгаришига олиб келади, шунингдек бу ресурслар захиралари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига кириши маълум даврдан кейин унинг тугашига олиб келади;

- сўнгги йилларда мамлакат аҳолисининг тез ўсиши, ёшларнинг билим олиш ва малакасини ўстиришга интилиши юқори малакали мутахассислар учун ишчи ўринларини яратиш заруриятини вужудга келтиради.

Диверсификация сиёсати доираси ҳукумат нефтга боғлиқ бўлмаган саноат тармоқларини ривожлантиришга устуворлик бермоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, диверсификация жараёнларини амалга оширишда нефть сотишдан тушган даромадлар асосий ўринни эгаллайди.

БАА иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи тамойиллардан бири нефтга асосланмаган турли хил кўп тармоқли ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва ривожлантиришдир. Мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш воситаси сифатида

сўнги йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хусусийлаштириш жараёнидан фойдаланилмоқда.

2. Иқтисодиётда саноатлашиш жараёнларини фаоллаштириш.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва минтақавий интеграциянинг чуқурлашиши жаҳон хўжалигининг тобора яхлитланиб, миллий хўжаликлар унинг ажралмас бир қисмига айланишига олиб келди. Бундай шароит муайян мамлакатда саноат тараққиётининг янги қонуниятлар бўйича рўй беришини объектив, табиий жараёнга айлантиради. Демак, янги шароитларда саноатни ривожлантириш муаммосини янги нуқтаи назардан ўрганиш тақозо этилади.

Ҳап саноатнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг иқтисодий фаоллигини ошириш, саноат корхоналарини хусусийлаштириш, импортнинг урнини босувчи саноат корхоналарини барпо қилиш ва экспортга йуналтириш, саноат сиёсати каби муоммолар тугрисида бормоқда.

Саноат сиёсати глобаллашув жараёнида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали оширишга қаратилган бўлиб, бу сиёсат алоҳида тармок ёки тармокларни ривожлантиришга нисбатан кенгрок мақсадни кузлайди. Бу сиёсат натижасида иқтисодиётнинг қиёсий устунликлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш узоқлаштирилади.

Саноат сиёсатининг мазкур тарифидан саноатлашиш жараёни қайси йуналишда бориши мумкинлигини ҳулоса қилиш мумкин. Саноатлашиш жаҳон ҳужалигида фаол иштирок этишга имкон берувчи юқори технологияларга асосланган ва қиёсий устунликларга эга тармокларнинг хусусий тадбиркорлар томонидан ривожлантирилиши асосида амалга ошади.

Қисқа муддатда иқтисодий тузилмалари белгилаш заруриятидан келиб чиқиб, давлатнинг нефтдан олган даромадларидан имкон бор қадар самарали фойдаланиш керак эди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини тенг ривожлантиришга оид дастлабки ғоя инфратузилманинг бўшлиғи ва миллий бозорнинг кучсизлигини ҳисобга олиб рад этилди. Дастлабки босқичларда нефт кимё имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий ислохотларнинг валюта асосини таъминлаш мақсадида хорижий, айниқса Япония ва Америка компаниялари капиталидан фаол фойдаланилди. Бунда оғир саноат - нефткимё, нефтни қайта ишлаш, металлургия ва қурилиш саноатларини ривожлантиришга устуворлик берилди. Дастлабки икки - беш йиллик давомида мамлакатда бутун дунё давлатлари билан боғланган замонавий инфратузилма, телекоммуникациялар, шунингдек оғир саноатнинг - нефт кимё, қурилиш, енгил ва озиқ - овқат соҳаларининг ривожлантирилган объектлари қуришга туширилди.

3. Кенг кўламда хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш. БАА иқтисодиёти аралаш типда бўлиб, ҳам давлат сектори, ҳам хусусий сектор иқтисодиёти муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга ҳукумат кенг кўламда хусусийлаштириш сиёсатини амалга оширишга ҳам эътибор бериб келмоқда. Бу жараёнга мамлакатда фақат 80-йилларда қадам қўйилди. Биринчи навбатда чакана савдо, кимё, тўқимачилик, қурилиш, тиббиёт, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, транспорт ва туризм корхоналари хусусийлаштирилди.

Мамлакатда давлат секторининг ролига баҳо бериб маълум даврларда давлатнинг роли ортиши қуйидаги омиллар билан боғлиқлигини таъкидлаш керак:

- давлат хусусий сектордан фарқли умуммиллий иқтисодий тараққиёт мақсадларида молиявий, моддий-техника ва бошқа ресурсларни муваффақиятли жамлаши ва йўналтириши мумкин;
- давлат сектори миллий иқтисодиётни хорижий компанияларга боғлиқ бўлиб қолишидан сақлайди;
- давлат сектори иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш жаҳон бозорида вазият ўзгаришига тобеликни камайтиради, иқтисодий алоқаларда номутаносибликларни камайтиради.

Лекин давлат секторининг ҳиссаси ортиб кетиши унинг самарасини камайтиради, шу сабабли ҳам давлат сектори фақатгина устувор, мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга соҳаларда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Жадал равишда ўта ноёб нефт бойликларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсишнинг ўзи учун энг оқилона моделини излаш давлат секторининг навбатдаги муҳим хусусияти бўлиб, бунда мамлакат жаҳон бўйича барча нефтнинг ўрта ҳисобда 12,1 % ни қазиб олиши ва бу кўрсаткичга мунтазам равишда етакчи ўринни эгаллаб келишини ҳам эътиборда тутиш шарт.

2. БААнинг жаҳон хизматлар бозорига интеграциялашуви хусусиятлари

Сўнгги йилларда БАА нафақат нефть бозорида, балки хизматлар бозорида ҳам ўзига хос ўрин эгалламоқда. Нефть экспортидан олинган даромадларни иқтисодиётни диверсификациялашга йўналтириш, инфратузилма объектларини ривожлантиришга харажатлар киритиш натижасида БАА жаҳон туризм бозорига муваффақиятли тарзда интеграциялашиб бормоқда. Йилдан-йилга Амирликлар мамлакатда ўзининг барқарор сиёсий ҳолати ва ривожланган инфратузилмаси, қулай

иқлим шароити ва хизматнинг юқори стандартлари туфайли туристлар учун янада жозибали бўлиб келмоқда.


Бирлашган Араб Амирликлари кўплаб ўзига хос жиҳатлари билан бошқа араб мамлакатларидан ажралиб туради. БАА энг бой араб мамлакатларининг бири бўлиб, улкан чўлу биёбонлар ичида оазис бўлиб кўринади. Мамлакатнинг пойтахти Абу Даби амирлиги бўлсада, лекин туристларни кўпроқ Дубай амирлиги ўзига жалб этади. Ушбу шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари турли оммавий ахборот воситалари орқали жуда ҳам яхши реклама қилинади. Юқори тезликда қурилаётган турли хил кўринишдаги архитектура бинолари амирликни чўл ичида замонавий мегаполисга айлантирди.

БАА бугунги кунда туризм марказларидан бирига айланишига ва амирликларда туризм саноатининг ривожланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги;
- мавсумий қулай иқлим шароити;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада ривожланганлиги.

Маълумки, БАА ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга олиб борувчи асосий йўлларнинг чорраҳаси бўлиб ҳисобланади. БАА - Европа, Осиё ва Африка минтақаларидан бир хил узоқликда жойлашган. Лекин туристларни жалб қилиш учун биргина қулай географик шароитнинг мавжудлиги етарли бўлмайди. Туризм саноатининг ривожланишига биринчилардан бўлиб Дубай амирлиги маблағлар ажратган. Айниқса нефть шов-шуви даврида ҳукумат нефть долларларини инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирган. Лойдан қилинган уйларнинг ўрнига замонавий бинолар, меҳмонхоналар, банклар, болалар учун кўнгилочар марказлар қурила бошланди. Жуда катта маблағларнинг жиддий ва узоққа мўлжалланган лойиҳаларга киритилиши БААни ХХІ асрда юқори суръатлар билан ривожланиб кетишига олиб келган (2.1-расм).

2.1-расмдан кўриниб турибдики, БААнинг туризм саноатига ажратган маблағлари йилдан йилга кўпайиб борган. Буни баъзи меҳмонхоналарнинг чиндан ҳам ғайритабиий хизматларни тақдим этиб, кўпгина маблағ ажратаётганликлари билан изоҳлашимиз мумкин.



2.1-расм. 2000-2010 йилларда БААда халқаро туризмга сарфланган харажатлар динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Манба: World Tourism Organization (UNWTO), Yearbook of Tourism Statistics

Масалан, “Бурж ал Араб” меҳмонхонаси БААга ташриф буюрадиган туристларнинг хоҳишига қараб, улар учун вертолётдан фойдаланиш имкониятини яратади. Вертолёт қўниши учун меҳмонхонанинг томида махсус қўниш жойи қурилган.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу каби хизматлар меҳмонхонага даромаддан кўра кўпроқ харажат қилишга олиб келади. Лекин меҳмонхона туристлар учун барча шароитларни яратиш ва иложсиз нарсани ўзи йўқлигини кўрсатиш учун шундай хизматларни кўрсатади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра халқаро туризм харажатлари бўйича БАА 2011 йилда 191 та мамлакат ичида 24 ўринни эгаллаган¹⁷.

¹⁷ UAE economy, www.factfish.com

БААда меҳмонхоналар учун 5 юлдузли француз тизими қабул қилинган. Апартамент ва виллалар ҳам кенг тарқалган.

Дубай амирлиги ишбилармонлик, савдо ва туризм марказлари бўлиб келмоқда. У катта маблағларни инфраструктурани ривожлантиришга киритган бўлиб, араб мамлакатлари ичида энг етакчи технологиялари билан ажралиб туради. Унинг менежменти ғарб тизимида олиб борилмоқда. Дубайда меҳмонхоналар сони 500 дан ортиқ ва уларнинг сифати йилдан йилга яхшиланиб бормоқда¹⁸.

Дубай меҳмонхона фондининг катта қисми 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналардан иборат. Ушбу даражадаги меҳмонхоналарнинг кўпчилиги Форс кўрфазида “Жумайра бич” районида қирғоқ бўйлаб жойлашган. Ушбу районларда 20 йилдан буён шиддат билан ҳашаматли меҳмонхоналар қурилмоқда. Етакчи меҳмонхона тармоқлари қаторидан «Accor», «Hitnot», «Кемпенски», «Redison» лар муҳим ўрин эгаллаган.


БАА туризмнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бу ерга туристлар йилнинг исталган пайтида ташриф буюришлари мумкин. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ҳар йили кўпроқ туристларни жалб қилиш мақсадида турли хил кўнгилочар ва бизнесга оид хизматларни амалга ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Охирги йиллар ичида туризм секторининг айланма маблағлари кўнгилочар хизматлар, бизнес, конференция, кўргазма ва бошқалар ҳисобига ошди. Қуйида берилган расм орқали БААда туризм секторидан тушадиган даромадларни йиллар бўйича ўзгаришини кўришимиз мумкин (2.2-расм).

Шуни таъкидлаш лозимки, БАА халқаро туризм даромадлари бўйича етакчи ўринни эгалламайди. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра 196 та мамлакат ичида БАА халқаро туризм тушумлари бўйича 31 ўринда ва жаҳонда халқаро туризм даромадлари улуши 0,8 % ни ташкил этади¹⁹.

¹⁸ World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2011

¹⁹ UAE economy, www.factfish.com

2011 йилда БААга ташриф буюрган халқаро туристлар виза (Visa) карточкалари орқали 4 млрд АҚШ доллари миқдорида харажатларни амалга оширдилар. БААда умумий халқаро харажатларнинг 28,7 фоизини Буюк Британия, Россия ва АҚШ туристлари ташкил этди. Уларнинг харажатлари жами 1,2 млрд АҚШ долларига етди.



2.2 расм.1995-2011 йилларда БААда халқаро туризм даромадлари динамикаси (100 минг АҚШ доллари)

Манба: World Tourism Organization (UNWTO), Yearbook of Tourism Statistics


БААга ташриф буюрувчи туристлар оқими ошиб бормокда (2.3-расм). 2.3-расмдан фақат ўсиш тенденциясини кўриш мумкин, фақатгина 1996-1997 ва 2008-2009 йиллардагина бироз пасайиш тенденцияси кузатилган.

Айтиш мумкинки, БАА хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиб, жаҳон туризм марказига айланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади. Умуман олганда, БААнинг туризмдаги фаолияти бошқа мамлакатларга нисбатан кам фарқланади.

Саёҳат қилаётган туристлар БААдан шиддат билан ривожланишни талаб қилди: меҳмонхоналар, савдо, транспорт ва саноатнинг ривожланиши бунинг яққол исботидир. БАА ўзининг географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги, қулай иқлим шароити, тарихий жойлари, ривожланган инфраструктураси, турли хил мақбул хизматлари билан халқаро туристлар оқимини ўзига жалб қилиб келмокда ва келажакда

туристик ташрифларни янада кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Туризм ва саёҳатлар бўйича бутунжаҳон кенгаши маълумотларига кўра туризм бошқа мамлакатларга нисбатан юқори суръатларда ривожланмоқда. Бу эса БААнинг жаҳон туризм бозоридаги улушининг ўсаётганлигидан, мамлакат жаҳон туризм бозорига тобора чуқурроқ интеграциялашаётганлигидан далолат беради.



2.3 расм.1995-2012 йилларда БААда халқаро туристик ташрифларининг ўзгариш динамикаси (млн киши)

Манба: World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2013

2012 йилда туризм иқтисодиётга 52 млрд. доллар миқдорида тушум олиб келди. Бу соҳанинг БАА ялпи ички маҳсулотидаги улуши 14 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, БААда ҳар тўққиз кишидан биттаси туризм секторида банд. Айни вақтда жаҳон бўйича ҳар 11 кишидан биттаси мазкур соҳада меҳнат қилади. Агар 2012 йилда туризм ва саёҳат соҳасида 383,5 минг киши банд бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич яна 2,6 фоизга ўсиб, 393,5 минг кишига етди. Мамлакатдаги барча инвестицияларнинг қарийб чорак қисми 2012 йилда туризм секторига киритилди – 22,4 млрд. АҚШ доллари.

Шундай қилиб, БААнинг жаҳон туризм бозорига

интеграциялашувида бу соҳага давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва бу эътибор натижаси ўлароқ йирик инвестиция маблағларининг сарфланаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

БААнинг жаҳон хизматлар бозорига интеграциялашувининг яна бир йўналиши ҳаво транспорти хизматлари ҳисобланади.

Маълумки, транспорт тизими муҳим инфратузилмавий тармоқ ҳисобланиб, унинг ривожланиши жамият тараққиётини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан бирга мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматлари кўрсатиш ижтимоий хизматлар ишлаб чиқариш соҳасида етакчи ўринни эгаллаб, нафақат унинг ЯИМдаги улушининг ўзгариши, балки натурал кўринишдаги фаолият кўрсаткичларининг ўзгаришини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки транспорт тизимининг ривожланиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унга ушбу тармоқлар томонидан, юк ва йўловчилар ташиш ҳажми ҳамда сифатига қўйилувчи талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўз-ўзини ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади. Ташиш тезлиги ва сифатининг ошиши, транспорт хизмати баҳосининг арзонлашуви транспорт-иқтисодиёт алоқалари ривожланишини рағбатлантиради, аҳоли ҳаракатчанлиги ва турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади.

БАА ўзининг ҳаво транспорти билан фахрланади. Унинг “Etihad Airways” ва “Emirates” авиакомпаниялари БААнинг рамзи бўлиб хизмат қилади. Яқин яқингача фақат битта Шаржа шаҳрида аэропортга эга бўлган БАА бугунги кунда 7 та халқаро аэропортга эга. Бу аэропортлар орқали ҳар йили бир неча миллион йўловчилар ва бир неча миллион тонна юк ташилади.

БААнинг географик жихатдан қулай жойлашганлиги ва бу соҳага давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилганлиги халқаро транспорт тизимининг ривожланишига сабаб бўлди.

2.3-жадвал

БАА ҳаво йўллари орқали ташилган йўловчилар сони динамикаси, киши

Йиллар	Йўловчилар сони	Ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш, %да
2000	6893085	18,03
2001	7675845	11,36
2002	9667005	25,94
2003	11609840	20,10
2004	14314326	23,29
2009	31761631	121,89
2010	44675335	40,66
2011	50037340	12,00
2012	59159300	18,23
2012 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	8,6 марта	-

Манба: World Development Indicators (WDI), April 2014

2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда БАА ҳаво йўллари орқали йўловчи ташиш йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, 2000-2012 йиллар давомида БАА ҳаво йўллари орқали йўловчи ташиш 6,9 млн. кишидан 59,1 млн кишигача, яъни 8,6 мартага кўпайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таҳлил қилинаётган давр мобайнида йўловчи ташиш ҳажмининг қўшимча ўсиши ўртача 22,4 фоизни ташкил қилган. Бу энг аввало, шу билан боғлиқки, БААнинг авиакомпаниялари юқори даражадаги хизмат кўрсатиш билан бирга нарх нуқтаи назардан ҳам рақобатбардош ҳисобланади.

Худди шундай тенденцияни БАА ҳаво йўллари орқали юк ташишда ҳам кузатиш мумкин (2.4-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2012 йиллар оралиғида БАА ҳаво йўллари орқали юк ташиш ҳажми 1456 млн. тонна км.дан 11898 млн.тонна кмгача, яъни 8,2

мартага ўсган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ҳаво йўлларида юк ташиш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати 18 фоизни ташкил этган.

2.4-жадвал

БАА ҳаво йўллари орқали ташилган юк ҳажми динамикаси, млн. тонна.км

Йиллар	Йўловчилар сони	Ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш, %да
2000	1456	28,91
2001	1631	12,00
2002	2079	27,48
2003	2773	33,35
2004	3734	34,66
2009	8960	139,97
2010	9757	8,90
2011	10416	6,76
2012	11898	14,22
2012 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	8,2 марта	-

Манба: World Development Indicators (WDI), April 2014

БААда хизмат кўрсатишнинг туризм ва транспортдан бошқа турлари ҳам жадал ривожланмоқда ва мамлакатнинг халқаро туризм бозорига интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Банк, суғурта, алоқа, ахборот, шунингдек, сўнгги йилларда тобора муҳим аҳамият касб этаётган маслаҳат хизматлари ана шулар жумласидандир.

II боб бўйича хулоса

1. Бирлашган Араб Амирликлари жаҳондаги энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айнан Амирликлар ҳудудида нефть захираларининг аниқланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. БААнинг тасдиқланган нефть захиралари 97800 млн. баррелни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллайди.

2. Бугунги кунда БАА жаҳон нефть бозорининг энг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. 2012 йилда БААда 1 кунда 3,087 млн баррель нефть қазиб олинган ва бу кўрсактич бўйича араб мамлакатлари орасида Саудия Арабистони ва Ироқдан кейин учинчи ўринни эгаллайди. БААнинг жаҳон бўйича нефть қазиб олиш ҳажмидаги улуши 3,67 фоизни ташкил этади. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, БАА нефть қазиб олиш ҳажми бўйича араб мамлакатлари орасида учинчи ўринни эгалласа-да, унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича араб мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди.

3. БААнинг жаҳон нефть бозорига интеграциялашувининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у жаҳон бозорига ОПЕКка аъзо мамлакат сифатида қатнашади. 2007-2011 йиллар давомида ОПЕКка аъзо барча мамлакатларда экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилади. Жумладан БААда экспорт ҳажми таҳлил қилинаётган давр мобайнида 178,6 млрд. доллардан 252,5 млрд. долларгача, яъни 41,4 фоизга ўсган. Экспортнинг умумий ҳажми бўйича БАА ОПЕКка аъзо мамлакатлар орасида Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

4. 2007-2011 йиллар давомида БААнинг импорт ҳажми экспортга мутаносиб равишда ўсган. БАА импорти ҳажми 2007 йилда 150 млрд доллардан 2011 йилда 210,9 млрд. долларгача, яъни 40,5 фоизга кўпайган.

5. БАА ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда доимий тарзда экспортнинг импортга нисбатан юқори бўлиши ва бунинг натижасида ташқи савдода ижобий сальдо кузатилади. Хусусан, 2011 йилда БАА ташқи савдосида 41,6 млрд. долларлик ижобий сальдо шаклланган.

6. БАА экспортининг 2007 йилда ҳам, 2011 йилда ҳам 41,4 фоизи нефть экспорти ҳиссасига тўғри келган. Бу шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида миллий иқтисодиётни диверсификациялашдан кутилган натижага эришилмаяпти. Шу сабабли миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва нефтдан бошқа

тармоқларни ривожлантириш жаҳон товарлар бозорига интеграциялашишнинг муҳим йўналиши сифатида БАА иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

7. БАА бугунги кунда туризм марказларидан бирига айланишига ва амирликларда туризм саноатининг ривожланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- географик жihatдан қулай ерда жойлашганлиги;
- мавсумий қулай иқлим шароити;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада ривожланганлиги.

8. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра халқаро туризм харажатлари бўйича БАА 2011 йилда 191 та мамлакат ичида 24 ўринни эгаллаган. 2012 йилда туризм иқтисодиётга 52 млрд. доллар миқдорида тушум олиб келди. Бу соҳанинг БАА ялпи ички маҳсулотидаги улуши 14 фоизни ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, БААда ҳар тўққиз кишидан биттаси туризм секторида банд. Айни вақтда жаҳон бўйича ҳар 11 кишидан биттаси мазкур соҳада меҳнат қилади. Агар 2012 йилда туризм ва саёҳат соҳасида 383,5 минг киши банд бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич яна 2,6 фоизга ўсиб, 393,5 минг кишига етди. Мамлакатдаги барча инвестицияларнинг қарийб чорак қисми 2012 йилда туризм секторига киритилди – 22,4 млрд. АҚШ доллари.

9. БАА ўзининг ҳаво транспорти билан фахрланади. Унинг “Etihad Airways” ва “Emirates” авиакомпаниялари БААнинг рамзи бўлиб хизмат қилади. 2000-2012 йиллар давомида БАА ҳаво йўллари орқали йўловчи ташиш 6,9 млн. кишидан 59,1 млн кишигача, яъни 8,6 мартага, БАА ҳаво йўллари орқали юк ташиш ҳажми 1456 млн. тонна км.дан 11898 млн.тонна кмгача, яъни 8,2 мартага ўсган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ҳаво йўлларида юк ташиш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати 18 фоизни ташкил этган.

III боб. БААнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашув тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари

1. БАА тажрибаси асосида Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви имкониятлари

Жаҳон хўжалик амалиётида тўпланган тажрибалардан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш моделининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликларининг жаҳон товарлар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви бўйича қатор ижобий тажрибага эга бўлиб, мазкур тажрибани Ўзбекистонда қўллаш мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида муҳим роль ўйнаши мумкин.

БАА тажрибасидан фойдаланишда ушбу мамлакат ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги умумий жиҳатлар муҳим ўрин тутди. Маълумки, БААда ҳам, Ўзбекистонда экспортнинг катта қисмини энергия манбалари ташкил этади. БААда жами экспортнинг 41,3 фоизи, Ўзбекистонда 31,1 фоизи энергия манбалари ҳиссага тўғри келади. Шу ўринда БААнинг ОПЕКка аъзо эканлигини ва шу сабабли бу ташкилотга аъзо мамлакатлар нефть сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириш ва бу соҳада ягона сиёсат юритиш имкониятига эга эканлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё мамлакатлари билан баъзи соҳаларда шунга ўхшаш битимлар имзолаши мумкин. Гап шундаки, пахта, мева, сабзавот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар минтақадаги

республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодиётини бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади. Бу эса ушбу тур товарлар бозорига муваффақиятли интеграциялашув имкониятини беради.

БАА тажрибасини ўрганиш бир турдаги товар ишлаб чиқаришга боғлиқ қолиш миллий иқтисодиёт ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини, унинг хом ашё товарлари бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўйишини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан БААнинг миллий иқтисодиётни диверсификациялаш тажрибасининг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлашни тақозо этади. Ана шундай тажрибалардан бири халқаро туризм соҳасини ривожлантиришдир.

Иқтисодиётнинг ривожини ва мамлакат ЯИМ ҳажмининг ўсишида туризмнинг, хусусан, халқаро туризмнинг ўрни беқиёс. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат бюджетининг катта қисми айнан халқаро туризм орқали келган даромаддан шаклланади. Хусусан, 2012 йилда БАА ЯИМининг 13,7 фоизиини туризм иқтисодиёти, 6,6 фоизини эса туризм индустрияси ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос туризм соҳасини шакллантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётимизда туризмнинг ролини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон 1993 йили Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлган эди. Шу вақтга қадар Президентимизнинг соҳани такомиллаштириш ва бу йўналишда замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган 4 та фармони ва ҳукуматнинг 17 та қарори қабул қилинди. Уларни амалга ошириш натижасида туризмнинг янги йўналишлари юзага келди. Замонавий меҳмонхоналар қад ростлади,

кадимги тарихий обидалар ва қадамжолар қайта таъмирланди, янги йўллар барпо этилди²⁰.

Шунга қарамасдан мамлакатимизнинг туристик салоҳияти жуда катта. Аммо бугун бундан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Бунинг учун қатор масалаларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Аввало соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда улар малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш зарур.

Аэропортларда сервисни яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим. Халқаро туризмда ушбу сервис ўз ичига туристлар учун хизматларнинг бутун бир мажмуасини олади. 2012 йилда Дубай ҳукумати амирликка ташриф буюраётган туристлар оқимининг аэропорт сервиси билан боғлиқ талабларини қондириш мақсадида Дубайда 7,8 млрд АҚШ доллари миқдоридаги аэропортнинг кенгайтирилиши лойиҳасини эълон қилди²¹. Ўзбекистон учун ҳам туризм тизимида рақобатбардошликни оширишда аэропорт сервисини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган захиралар ҳозирча “жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамбллари томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда пастдир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар БААнинг тажрибасидан фойдаланиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

²⁰ www.old.uzbekistonovozi.uz

²¹ Benchmarking UAE Tourism, Market Monitor Series, Data Management & Business Research 2012

БАА ҳозирги кунда туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари кабиларга инвестициялар киритмоқда. БАА ҳукумати томонидан инфраструктурага киритилаётган инвестициялар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қўймайди, бу омилларнинг барчаси мамлакатга туристлар кириб келишини фаоллаштиради ва ўз ўрнида меҳмонхоналарга бўлган талабни оширади.

Биз ҳам инвестицияларни туризм соҳасига жалб қилиб, куйидагиларни амалга оширишимиз лозим:

- жаҳон андозалари, хусусан, БАА даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар тармоғини шакллантириш;
- сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этиш;
- ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий меъроснинг кенг қўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш.

БААнинг Абу Даби амирлигида ҳар йили спортсевар туристларни жалб этиш мақсадида кўплаб мото ва авто пойгалар ўтказилади. Юртимизда ҳам сўнгги йилларда бокс, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида улкан чемпионатлар ўтказилмоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда бу омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Чунки бу тадбирлар кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келмоқда.

Туризм инфраструктурасининг ажралмас қисми бўлган меҳмонхоналардаги хизмат баҳоси бозор талабининг юқори ёки пастлигига қараб фарқланиши мумкин. Бу тафовутнинг шартлари ва меъёрлари нарх-наво сиёсати орқали аниқланади, ҳамда улар даромад олишнинг асосий омиллари ҳисобланади. БАА меҳмонхоналарида «сифат-баҳо» шиорига қаттиқ амал қилинади. Шунинг учун туризм хизматининг асосий меъзони бўлган нарх сиёсати Ўзбекистонда ҳам айрим туристик ташкилотлари орқали эмас, балки давлат томонидан доимий равишда назорат қилиб борилиши лозим.

Республикадаги мавжуд меҳмонхоналардаги нархлар баъзи бир сабабларга кўра жаҳондаги ўртача нархлардан юқори бўлиб, туристларнинг меҳмонхоналарга бўлган талабидан юқоридир. Ҳар бир турист шинам, ҳар томонлама яхши жиҳозланган жойни бир кечага 100-120 АҚШ долларига сотиб олишни хоҳлайди. Ўзбекистон меҳмонхоналарида тунаш нархи БАА меҳмонхоналаридан кўра анчайин қиммат. Биздаги меҳмонхоналарда бир кеча тунаш 250-350 АҚШ долларига тўғри келмоқда²². Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун республикада сўнгги йилларда меҳмонхоналарнинг замонавий типлари кенг кўламда қурила бошланди. Булар ичида «Интерконтинентал», «Шератон», «Ле-Меридиан», «Грант Мир», «Дедеман», «Тошкент Палас», «Отель Ўзбекистон» меҳмонхоналарини мисол қилишимиз мумкин. Бу меҳмонхоналар 4 ва 5 юлдузли бўлиб, халқаро даражага тўлиқ жавоб беради. Ҳозирги вазифа улардаги нархларни қайта кўриб чиқишдир.

БААнинг сармоявий салоҳияти, туризм секторида орттирган тажрибаси билан Ўзбекистоннинг имкониятлари бирлаштирилса, юртимизда туризм соҳасида кўплаб ютуқларга эришиш мумкин.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш, туристик салоҳиятдан оқилона фойдаланиш мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишига, валюта тушумининг ўсишига, экспорт таркибининг такомиллашуви ва диверсификациялашувига ижобий таъсир кўрсатади. Бу соҳада БАА тажрибасини умумлаштириш халқаро туризмни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- туризм соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасига хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиш бўйича кенг чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

²² А.Норчаев. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2011 й.

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар куриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустрияси барпо этиш: табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар куриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирўл вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар куриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

Маълумки, БАА ўзининг қулай географик жойлашуви, мамлакат ҳукумати томонидан ҳаво транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши туфайли халқаро хизмат бозорига муваффақиятли интеграциялашган мамлакатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам мамлакатимизнинг географик жойлашувидан самарали фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган куруқлик йўли шу ерда кесишади. Шу сабабли бу йўлни тиклаш орқали Марказий Осиё, шу жумладан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистон Евросиёнинг иқтисодий ва илмий-маданий кўпригига айланиши мумкин. Минтақада товарлар, капиталлар, хизматлар ва ишчи кучининг давлатлараро транзит маркази бўлиш учун барча имкониятлар мавжуд.

“Буюк ипак йўли” йўналишида Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан туташтирувчи “Транс Осиё” транспорт магистралининг қурилиши Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу магистраль Япония, Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Покистон, Эрон ва Европа мамлакатларини ўз ичига қамраб олади. Ушбу транспорт линиясининг муҳим қисми Транскавказ коридори (ТРАСЕКА лойиҳаси) ҳисобланиб, у 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

2. Хорижий инвестициялар жалб этиш Ўзбекистоннинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувининг муҳим омили

Мамлакат иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш шароитида бевосита хорижий инвестициялар миллий жамғармалар имкониятларидан кўпроқ инвестицияларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш базасини янгилаш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар жалб этиш орқали технологик ускуналар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари импорти қилиш, жаҳонда машҳур компанияларнинг савдо белгиларидан, нау-хаулардан, трансмиллий компанияларнинг маҳсулот экспортини кенгайтириш учун жаҳон бозорларига кириб бориш каналларидан фойдаланиш имконияти юзага келади. Замонавий ишлаб чиқаришнинг мазкур омиллари ҳар доим ҳам жаҳон бозорларида сотилмайди ва кўпинча бевосита хорижий инвестициялар кириб келиши билан бирга ўзлаштирилади.

Бевосита хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликка эга: биринчидан, улар узок муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетиши ва кириб келиши учун шарт-шароитларни вужудга келтирмайди. Бу эса жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналмилаллашуви шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш учун муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, бевосита хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди. Бу, айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун фақат фойда келтириши тўғрисидаги фикр ҳақиқатдан анча йироқ. Амалиётда баъзан инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келмайди. Инвестиция қабул қилаётган мамлакат ҳукумати иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ҳаракат қилади. Хорижий инвесторнинг асосий мақсади эса ўз маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ва фойда ҳажмини оширишдан иборат. Шундай қилиб, ҳамма хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар

ҳам инвестициялар қабул қилаётган мамлакатлар манфаатларига мос келмайди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан олинадиган “салбий самара” турли хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Маълумки, йирик хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экология тўғрисидаги қонунни айланиб ўтишга ёки уни қабул қилишга ҳалақит қилишлари мумкин. Яна шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, йирик хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар кучли миллий корхоналар барпо этишга тўсқинлик қилишга ҳаракат қиладилар.

Трансмиллий корпорациялар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда монопол мавқега эга бўлишга ҳаракат қиладилар ва кўп ҳолларда мамлакат ҳукумати олдига ўз маҳсулотлари ва хизматлари учун алоҳида ҳуқуқларни жорий этиш талабини қўядилар. Бу эса ўз навбатида иқтисодий тараққиётнинг жадаллашувига салбий таъсир кўрсатади.

Рақамлар шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар ва уларнинг концентрациялашуви мамлакатлар ўртасида бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, Бразилияда бевосита хорижий инвестицияларнинг 84 фоизи 4 та энг йирик фирма улуши 50 фоиздан кўп бўлган тармоқларга тўғри келади. Мексикада бу кўрсаткич 83 фоизга етади.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инвестициялар қабул қилаётган мамлакатлар ҳукуматларининг асосий вазифалари бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни рағбатлантиришдангина иборат эмас, балки тегишли инвестиция сиёсати орқали бевосита хорижий инвестицияларнинг салбий самараларини имкон қадар минималлаштириш ҳамда уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётига қўшаётган ҳиссасини оширишдан иборат.

Хорижий инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар инвесторларга ресурслардан фойдаланиш ва миллий бозорга кириб келиш имкониятини тақдим этади. Бу эса янада ўсиш ҳамда фойдани ошириш

учун кенг имкониятлар яратади. Буларнинг барчаси биргаликда мамлакатнинг инвестиция иқлимини ташкил этади.

Мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Ўзбекистон ўзининг ички имкониятларига асосланиб, қулай инвестиция муҳитини яратишга киришди. Ислохотлар даврида, энг аввало, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари барпо этилди. Қабул қилинган ва амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, иқтисодий фаолият субъектларига давлат органларининг аралашувини чеклашга қаратилган. Айниқса, хорижий инвесторларга қатор кафолатлар тизими тақдим этилган бўлиб, улар миллий, диний ва ҳудудий белгилар бўйича чеклашларнинг мавжуд эмаслигида, ўз маблағларидан эркин фойдаланишлари учун шарт-шароитларнинг барпо этилганлигида, инвесторлар фаолиятига тегишли ахборотлардан эркин фойдаланиш имкониятларининг мавжудлигида ва бошқаларда ўз аксини топмоқда.

Ишлаб чиқилган имтиёзлар тизими хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини барпо этади. Мазкур имтиёзлар орасида республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарнинг етти йил давомида фойдадан олинадиган солиқдан озод этилишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизидан кўпроғини мамлакатдан ташқарига сотаётган корхоналар фойдасига солиқ ставкаси икки баробардан зиёдроққа камайтирилган.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги таъминотларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада

такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш²³.

Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар кириб келишига ижобий таъсир кўрсатаётган омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- арзон ва малакали ишчи кучининг мавжудлиги;
- республикаимизнинг табиий-иқтисодий ресурсларга бой эканлиги;
- мамлакатимиз табиий-иқлим шароитларининг йирик миқдорда қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқаришга имкон бериши;
- миллий бозорнинг истиқболли эканлиги;
- мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги;
- қулай меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги ва ҳ.к.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бевосита хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишдаги роли ўсиб бормоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар истеъмол товарлари импортини қисқартириш ва экспорти ҳажмини оширишга, пахта толаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган юқори технологияли ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт асосларини барпо этишга қаратилган (3.1-жадвал).

²³ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 2011 йилда 2438,7 млрд долларни ташкил этди ва 2010 йилга нисбатан 35,1 фоизга ўсди. Ушбу корхоналарнинг мамлакат жами экспортидаги улуши 16,2 фоизни ташкил этди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг жами импортдаги улуши сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2011 йилда бу корхоналарнинг жами импорт ҳажми 4357,9 млрд долларни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 17 фоизга ўсди.

3.1-жадвал

Ўзбекистонда 2011 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт ва импорт ҳажми (млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	2011 йилда 2010 йилга нисбатан, %	Импорт	2011 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Ўзбекистон Республикаси	2437,8	135,1	4357,9	117,0
Қорақалпоғистон Республикаси	10,4	103,9	22,4	183,7
Андижон	813,6	149,6	1383,2	98,1
Бухоро	54,3	117,6	30,4	75,9
Жиззах	23,7	135,3	15,5	148,4
Қашқадарё	51,4	187,6	17,2	89,5
Навоий	20,7	54,4	12,1	51,8
Наманган	45,8	107,8	62,3	137,8
Самарқанд	76,7	167,7	154,1	122,9
Сурхондарё	21,1	103,4	5,6	2,3р.
Сирдарё	13,6	76,7	31,9	90,1
Тошкент	455,1	108,8	315,7	165,3
Фарғона	118,1	103,9	75,0	125,4
Хоразм	16,9	137,8	9,9	137,5
Тошкент шаҳри	716,4	159,1	2222,6	127,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Маълумки, бевосита хорижий инвестициялар жалб этишнинг асосий мақсадларидан бири экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Аммо Ўзбекистонда ҳозирга қадар хорижий

инвестициялар иштирокидаги корхоналар импортининг экспортга нисбатан юқори бўлаётганлиги ушбу вазифанинг етарли даражада бажарилмаётганлигини кўрсатади. Хусусан, 2011 йилда ушбу корхоналар томонидан амалга оширилган импорт операциялари экспортга нисбатан 1,8 мартага кўп бўлган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унда машина ва асбоб-ускуналар (43,3 фоиз), хизматлар (4,9 фоиз), озиқ-овқат (4,5 фоиз), энергия манбалари (3,5 фоиз) асосий ўринни эгаллайди.

Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортининг товар таркиби тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, унда енгил автомобиллар, автобуслар, электротехника моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, алоқа хизмати, тўқимачилик маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва бошқалар асосий ўринни эгаллайди. Экспорт ҳажми бўйича “Ўзавтосаноат” Ҳиссадорлик жамияти, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК, “Ёғмойтамакисаноат” уюшмаси, “Озиқ-овқатсаноати” уюшмаси, “Ўзэтехсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналар етакчи мавқега эга.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорти таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш натижалари бир қатор муаммоларни ҳам ажратиб кўрсатиш имкониятини беради. Хусусан, республикамизда бир йилда 5 млн тоннадан ортиқроқ мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига қарамасдан озиқ-овқат маҳсулотларининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортидаги салмоғи атиги 4,5 фоизни ташкил этади, холос.

Айни вақтда жами экспорт ҳажмида хом ашё маҳсулотлари жами экспортнинг тахминан 2/3 қисмини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этишдан асосий мақсад кўшилган қиймат даражаси юқори бўлган, истеъмолга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш ва шу орқали республикамизнинг жаҳон товар ва хизматлар бозорига интеграциялашувини жадаллаштиришда эркин иқтисодий зоналар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, республикамизда ташкил этилган “Навоий” ЭИИЗдаги хўжалик субъектларининг асосий хўжалик фаолияти замонавий хорижий юқори технологик рақобатбардош асбоб ускуналарни, техникаларни, технологик линиялар ва моделларни, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш орқали жаҳон товарлар бозорига кенг доирадаги рақобатбардош маҳсулотларни етказиб берувчи юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат.

“Навоий” ЭИИЗ территориясида саноатнинг барча тармоқларидахомашёдан то тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнини ўзида тўлиқ акс эттирувчисаноат комплексини яратиш учун барча шарт-шароитлар барпо этилмоқда.

“Навоий” ЭИИЗни яратиш концепцияси ва устувор йўналишлари асосида “Навоий” ЭИИЗда қуйидаги тармоқ ва йўналишларда корхоналар жойлаштирилмоқда:

- электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш;
- машинасозлик, асбобсозлик ва ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқарувчи комплекс корхоналар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- пластик ва полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

“АгроФреш” корхонаси “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига киради. Ушбу янги корхона “Марказсаноатэкспорт” ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг “Kefaya General Trading Co” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

3.2-жадвал

Навоий вилоятида хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналарнинг 2011 йил якунидаги ҳолати тўғрисидаги маълумот

Шаҳар (туман)лар бўйича корхоналар кесимида	Ташкил этилган йил (ой)	Асосий фаолият тури	Ҳақиқатда фаолиятини бошлаган (йил,ой)	2011 йил		Иш ўринлари
				ишлаб чиқариш (млн.сўм)	шундан экспорт (минг АҚШ долл.)**	
“O’ZMINDA” Ўзбекистон – Ҳиндистон ҚҚ	15.03.2010	автомобил ва трактор эҳтиёж қисмлари	2010 й	2142	193,9	11
“UZZOR LIGHTING” Ўзбекистон – Корея ҚҚ	18.03.2010	электр тежамкор лампалари	2011 й	190		5
“TELEKOM INNOVATIONS” Ўзбекистон - Сингапур ҚҚ	23.02.2010	рангли рақамли ТВ сигналлар қабул қилиш ускуналари	2010 й	7051		30
"UzEraiCabel" Ўзбекистон-Корея ҚҚ	31.12.2009	автомобилларга кабеллар	2010 й	11140,0	0,9	62
"AGROFRESH" Ўзбекистон - БАА ҚҚ	23.09.2009	тайёрлов корхона	2010 й	2639,8		21
"DUGASTECH" Ўзбекистон – Корея ҚҚ	20.05.2010	электрон газ ҳисоблагичлар				14
"Navoiy - Beauty cosmetics" Ўзбекистон – Корея ҚҚ	09.07.2010	косметология маҳсулотлари	2010 й	501		19
"O'zEraeAlternator" Ўзбекистон – Корея ҚҚ	23.07.2010	автомобиль генераторлари ва компрессорлари	2011 й	3664	0,4	23
"CFM Proenergies" Ўзбекистон - Сингапур ҚҚ	27.08.2010	диодли лампалар				1
"Navoiy - Hunan Pulp" Ўзбекистон – Хитой ҚҚ	01.11.2010	сантария-гигиена маҳсулотлари	2011 й	748		12
"KO-UNG CYLINDER" Ўзбекистон-Корея ҚҚ	08.04.2011	автомобиллар учун газ баллонлари				5

Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали бошқариладиган, Италиянинг

музлатиш ускуналари билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ва Сингапурнинг “Servetechno Pte.Ltd” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган “Telecom Innovations” қўшма корхонаси рақамли телевидение учун йилига 50 минг дона приёмник ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 миллион долларни ташкил қилади. Янги корхона 30 нафардан ортиқ ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Уларнинг аксарияти маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Шунингдек, полиэтилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарадиган яна икки завод ҳам ишга тушди. “Полиэтилен қувурлари” корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача бўлган 8,6 минг тонна полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион долларни ташкил этади. Корхона 40 нафардан ортиқ ёш мутахассисни, хусусан, маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади.

Бу ерда келгусида 50 фоизгача бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Бу ерда 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, унинг экспорт ҳажми 5,9 миллион доллардан ошади. Йилига 2300 погон километр қувватга эга “Полипропилен қувурлари” корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача бўлган полипропилен қувурлар ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллион долларни ташкил қилади.

Яна бир янги корхона – “UzEraeSable” қўшма корхонаси “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг “Erae cc Ltd” компанияси томонидан ташкил этилди. Мазкур корхона йилига 150 минг километр автомобиль симларини ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 13,0 миллион долларни ташкил этади. “GM

Узбекистан” заводи учун автомобиль жгутларини ишлаб чиқарадиган “ЎзКоджи” кўшма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг асосий буюртмачисидир. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 20 фоизини Женерал Моторснинг яқин мамлакатлардаги корхоналарига экспорт қилиш кўзда тутилган.

«UzMinda» ҚК “Ўзавтосаноат” АК ва Ҳиндистоннинг «Minda Capital» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхона автомобиллар спидометрлар ва хавфсизлик тизимларини ишлаб чиқаради ҳамда маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш истиқболига эга. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 251 минг автокомплектни ташкил этади. «UzMinda» ҚК 195 тагача, шу жумладан 191 нафар маҳаллий мутахассислар учун, янги иш ўринларини яратишни кўзда тутган.

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудида шунингдек «Навоийазот» ОАЖ ҳамда «DK Cosmetics» (Корея) компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Navoi Beauty Cosmetics» ҚК ҳам фаолият юритмоқда. Корхона ҳар йил 2,1 миллион дона комметика маҳсулотлари (лосьонлар, кремлар, пудралар ва бошқалар) ва ювиш воситалари ишлаб чиқаради. Корхона 42 нафар ходимни иш билан таъминлайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида "Навоий" эркин индустриал – иқтисодий зонасида (ЭИИЗ) умумий қиймати 14 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган бешта янги корхона очилди. Уларнинг барчаси замонавий, юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган ҳамда ички бозорда харидоргир ва жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш имконига эга. Хорижий инвесторлар қаторига Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг йирик компаниялари киради.

"Ўзелтехсаноат" ассоциацияси ва "Shinghwa Lihting" (Корея Республикаси) компаниялари томонидан яратилган "UZKOR Lihtiong" МЧЖ ҚК бугунги кунда ишлатилаётган чўғланма лампаларни энергияни

тежайдиган лампаларга босқичма – босқич алмаштириш бўйича вазифаларни амалга оширишга ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Қўшма корхона йилига 6 млн. дона энергияни тежайдиган газ разрядли ихчам лампалар ишлаб чиқаради, шундан сўнг корхона тўла қувват билан бу рақамларни 13,7 млн. донага етказиши назарда тутилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати \$4,7 млн.ни ташкил этади. Бу ерда 45 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг деярли ярми экспорт қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Ўзпроммашимпекс" ДАЖ ҳамда "СФМ Ҳолдинг" (Сингапур) компанияси ҳамкорлигида "SFM ProEnergies" МЧЖ ҚК ташкил этилди. ҚК ёруғлик диодли лампалар, кўчаларни ёритиш ускуналари, светофорлар, прожектор ва ёруғлик диодли реклама панелларини йилига 2 млн. донадан ортиқ ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш нафақат мазкур ҳудудда, балки МДХ давлатларида ҳам илк бор йўлга қўйилмоқда. Лойиҳа қиймати \$5 млн.ташкил этмоқда. 50 та иш ўрни яратилган бўлиб, корхона тўла қувват билан ишга туширилгач бу ерда 150 нафарга яқин киши меҳнат қилади. Корхона маҳсулотининг 50% ортиқроғи ташқи бозорга чиқарилади. Бозорда фаолият олиб бораётган рақамли телевидение учун приёмниклар (Сет-Топ Бок) йиғиш билан шуғулланувчи ўзбек – сингапур "Telecom Телеком Innoveyshns" ҚК негизида "ЗТЕ" (ХХР) ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборот агентлиги иштирокида уч томонлама қўшма корхона ташкил этилди.

Бу ерда телекоммуникация ускуналари бўлган - ADSL- ва DSLAM-модемлари ишлаб чиқарилади. Бу оддий телефон линиясидан бир вақтнинг ўзида ҳам телефон, ҳам тезкор интернетдан фойдаланиш имконини яратувчи маълумотлар узатиш технологияларидир.

Мазкур импорт ўрнини босувчи ускуналар йилига жами 25 минг дона чиқарилади. "Ўзфармсаноат" ДАЖ нинг "Ҳансанг фарм" МЧЖ тайёр дори воситалари ва тиббиётга мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқара

бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати \$2 млн. бўлиб, уни амалга ошириш 10 млн. ортиқ таблетка ва галенли препаратларни ишлаб чиқариш имконини яратади. Корхона маҳсулотининг 15 % экспорт қилиниши мўлжалланмоқда. 45 та иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг сўнгига қадар автомобиллар учун газ баллонлари, электрон газ ҳисоблагичлар ҳамда ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи яна тўртта корхонани ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Навоий ЭИИЗни ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, вилоятда Самарқанд, Фарғона водийси, Хоразм вилоятларидаги каби меҳнат ресурслари унчалик кўп эмас. Айни вақтда Навоий шаҳрининг индустриал жиҳатдан тараққий этиб бориши республиканинг бошқа минтақаларидан аҳолининг оммавий кўчиб келиши натижасида тез орада йирик агломерация шаҳрига айлантиради.

Навоий аэропортини транспорт-логистика марказига айлантирар эканмиз, транспортда юк ташиш борасида ҳам турли муаммоларга дуч келамиз. Чунки ҳар бир вилоят чегарасида юкларни ва ҳужжатларни давлат органлари томонидан текшириш жараёни кўп вақтни олади. Ушбу жараёнга боғлиқ бўлган органлар орасида бу муаммони ўзаро келишув асосида ҳал этишни амалга ошириш лозим. Юкларни ўз вақтида ва хавфсиз етказиш учун замонавий юк транспортлари паркларини ҳам яратиш лозим.

Бугунги кунда Навоий вилоятида ЭИИЗни ва Навоий транспорт-логистика марказини яратилиши, лойиҳаларнинг мувафақиятли амалга оширилиши мамлакатнинг индустриал-инновацион сиёсатини жиддий ривожлантиришга асос қўйиш имконини беради. Бироқ, ЭИИЗни оффшорга айлантирмаслик жуда муҳим ҳисобланади. Чунки МДХ мамлакатлари тажрибасидан кўриш мумкинки, оффшорларнинг аксарият қисми пулни четга чиқиб кетиши учун “қора тешик” вазифасини ўтайди. Бунинг учун чора-тадбирлар ва муайян тўсиқлар тизимини, ҳатто бошқарувни ҳам қайта ишлаш ва такомиллаштириш зарур.

Навоий вилояти ва “Навоий” ЭИИЗда инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва бу орқали хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, мамлакатда юксак технологияли илм талаб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ўйлаймиз:

- ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарига газ, сув, электр энергияси, ёқилғи, турли хизматлар кўрсатиш нархларини пасайтириб бериш;

- қўшимча қиймати юқори бўлган товарларнинг, айниқса хизматлар соҳасининг хилма хиллигини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификация қилиш. Молия, суғурта, консалтинг, маркетинг, менежмент, тиббиёт, туризм, транспорт, юридик, алоқа, телекоммуникация хизматларини, компьютер техника технологиялари ва дастурларини яратишга эътибор қаратиш;

- қишлоқ жойларини шаҳарлаштириш орқали марказдаги турли ишлаб чиқариш корхоналарини нисбатан қолоқ бўлган ҳудудларга кўчириш, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда маҳаллий тадбиркорларга маслаҳатлар бера оладиган профессионал уюшмалар тузиш;

- қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ташкил қилган хорижий инвесторларга фонд ҳисобидан субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш (Покистон, Хитой, Хиндистон тажрибаси);

- Республика тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат бюджети ва хорижий инвестициялар ҳисобидан минтақаларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаларига инвестиция грантларини ташкил этиш;

- вилоят туманларида минтақа тадбиркорлари учун хорижнинг илғор минитехника-технологиялари кўرғазмасини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият бериш;

- инновацион жараёнларни, техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилган хўжалик субъектларнинг фаолиятини янада рағбатлантириш.

III боб бўйича хулоса

1. Жаҳон хўжалик амалиётида тўпланган тажрибалардан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш моделининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликларининг жаҳон товарлар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви бўйича қатор ижобий тажрибага эга бўлиб, мазкур тажрибани Ўзбекистонда қўллаш мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида муҳим роль ўйнаши мумкин.

2. БАА тажрибасидан фойдаланишда ушбу мамлакат ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги умумий жиҳатлар муҳим ўрин тутди. Маълумки, БААда ҳам, Ўзбекистонда экспортнинг катта қисмини энергия манбалари ташкил этади. БААда жами экспортнинг 41,3 фоизи, Ўзбекистонда 31,1 фоизи энегия манбалари ҳиссага тўғри келади. Шу ўринда БААнинг ОПЕКка аъзо эканлигини ва шу сабабли бу ташкилотга аъзо мамлакатлар нефть сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириш ва бу соҳада ягона сиёсат юритиш имкониятига эга эканлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё мамлакатлари билан баъзи соҳаларда шунга ўхшаш битимлар имзолаши мумкин. Гап шундаки, пахта, мева, сабзавот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли барчасида ишлаб чиқарилади. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилиш бўйича ягона сиёсатни юргизиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар минтақадаги республикалар жаҳон бозорига алоҳида чиқсалар, улар ўзаро

рақобатчиларга айланадилар, уларнинг биргаликда чиқиши мамлакатлар иқтисодийетини бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтиради ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади. Бу эса ушбу тур товарлар бозорига муваффақиятли интеграциялашув имкониятини беради.

3. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш, туристик салоҳиятдан оқилона фойдаланиш соҳасмда БАА тажрибасини умумлаштириш халқаро туризмни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- туризм соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасига хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиш бўйича кенг чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустрияси барпо этиш: табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирўл вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш

туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

Маълумки, БАА ўзининг қулай географик жойлашуви, мамлакат ҳукумати томонидан ҳаво транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши туфайли халқаро хизмат бозорига муваффақиятли интеграциялашган мамлакатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам мамлакатимизнинг географик жойлашувидан самарали фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган куруқлик йўли шу ерда кесишади. Шу сабабли бу йўлни тиклаш орқали Марказий Осиё, шу жумладан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистон Евросиёнинг иқтисодий ва илмий-маданий кўпригига айланиши мумкин. Минтақада товарлар, капиталлар, хизматлар ва ишчи кучининг давлатлараро транзит маркази бўлиш учун барча имкониятлар мавжуд.

“Буюк ипак йўли” йўналишида Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан туташтирувчи “Транс Осиё” транспорт магистралининг қурилиши Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бу магистраль Япония, Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Покистон, Эрон ва Европа мамлакатларини ўз ичига қамраб олади. Ушбу транспорт линиясининг муҳим қисми Транскавказ коридори (ТРАСЕКА лойиҳаси) ҳисобланиб, у 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

Хулоса

1. “Глобаллашув” атамаси илк бор иқтисодчилар томонидан янги бир жараён, яъни XX асрнинг 80-йилларида авж ола бошлаган жаҳон бозорларнинг бири-бирига қўшилиб кетишини ифодалаш учун қўлланила бошлаган эди. Аммо, кейинроқ шу нарсга равшан бўлдики, жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви, гарчи муҳим бўлса-да, айтиш мумкин, глобаллашув жараёнининг фақат бир қисмидир. У эса, беҳад кенг бўлиб, иқтисодий вектор билан биргаликда ахборот-коммуникация, геосиёсий, дунёқараш ва цивилизацион хусусиятга эга бўлган жабҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

2. Глобаллашувнинг замонавий белгилари қуйидагилардан иборат:

- янги хорижий валюта ва капиталлар бозорининг шаклланиб ривожланиши, бу бозорлар узлуксиз фаолиятда бўлиб, бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли молиявий марказлари ўртасида йирик молиявий ва валюта операцияларини амалга ошириш имконияти мавжуд;

- янги воситалар ва дастаклар орқали операцияларнинг тезлигини ва ишончлилигини таъминлаш имкониятининг мавжудлиги; Интернет тармоғи, уяли телефон алоқаси, ахборот тизими ва бошқалар;

- янги институционал тизимнинг шаклланганлиги; Жаҳон Савдо ташкилоти, трансмиллий корпорациялар, нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.

- янги қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги; иккитомонлама ва кўп томонлама савдо, хизматлар ва интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш бўйича шартномаларнинг тузилиши ва бу шартномаларнинг миллий давлатлар томонидан амал қилиниши мажбурийлиги ёки миллий қонунчиликнинг уларга мувофиқлаштирилиши.

3. Интеграцияга нисбатан турли назарий ёндашувларни умумлаштириш унга қуйидагича таъриф бериш имконини берилади: интеграция – минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашуви ва бир-бирига кириб боришини ифодалайди.

4. Бугунги кунда халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши бир катор объектив омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперациянинг чуқурлашиши;

- илмий-техника тараққиётининг жадаллашиши, ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;

- минтақавий интеграцион алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши;

- хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви;

- трансмиллий компаниялар ва молия-саноат гуруҳларининг ташкил топиши.

5. Бирлашган Араб Амирликлари жаҳондаги энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айнан Амирликлар ҳудудида нефть захираларининг аниқланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. БААнинг тасдиқланган нефть захиралари 97800 млн. баррелни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллайди.

6. Бугунги кунда БАА жаҳон нефть бозорининг энг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. 2012 йилда БААда 1 кунда 3,087 млн баррель нефть қазиб олинган ва бу кўрсаткич бўйича араб мамлакатлари орасида Саудия Арабистони ва Ироқдан кейин учинчи ўринни эгаллайди. БААнинг жаҳон бўйича нефть қазиб олиш ҳажмидаги улуши 3,67 фоизни ташкил этади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, БАА нефть қазиб олиш ҳажми бўйича араб мамлакатлари орасида учинчи ўринни эгалласа-да, унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича араб мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди.

7. БААнинг жаҳон нефть бозорига интеграциялашувининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у жаҳон бозорига ОПЕКка аъзо

мамлакат сифатида қатнашади. 2007-2011 йиллар давомида ОПЕКка аъзо барча мамлакатларда экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилади. Жумладан БААда экспорт ҳажми таҳлил қилинаётган давр мобайнида 178,6 млрд. доллардан 252,5 млрд. долларгача, яъни 41,4 фоизга ўсган. Экспортнинг умумий ҳажми бўйича БАА ОПЕКка аъзо мамлакатлар орасида Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

8. 2007-2011 йиллар давомида БААнинг импорт ҳажми экспортга мутаносиб равишда ўсган. БАА импорти ҳажми 2007 йилда 150 млрд доллардан 2011 йилда 210,9 млрд. долларгача, яъни 40,5 фоизга кўпайган.

9. БАА ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда доимий тарзда экспортнинг импортга нисбатан юқори бўлиши ва бунинг натижасида ташқи савдода ижобий сальдо кузатилади. Хусусан, 2011 йилда БАА ташқи савдосида 41,6 млрд. долларлик ижобий сальдо шаклланган.

10. БАА экспортининг 2007 йилда ҳам, 2011 йилда ҳам 41,4 фоизи нефть экспорти ҳиссасига тўғри келган. Бу шундан далолат берадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида миллий иқтисодиётни диверсификациялашдан кутилган натижага эришилмаяпти. Шу сабабли миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириш жаҳон товарлар бозорига интеграциялашишнинг муҳим йўналиши сифатида БАА иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

11. БАА бугунги кунда туризм марказларидан бирига айланишига ва амирликларда туризм саноатининг ривожланишига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги;
- мавсумий қулай иқлим шароити;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада ривожланганлиги.

12. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра халқаро туризм харажатлари бўйича БАА 2011 йилда 191 та мамлакат ичида 24 ўринни эгаллаган. 2012 йилда туризм иқтисодиётга 52 млрд. доллар миқдорида тушум олиб келди. Бу соҳанинг БАА ялпи ички маҳсулотидаги улуши 14 фоизни ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, БААда ҳар тўққиз кишидан биттаси туризм секторида банд. Айни вақтда жаҳон бўйича ҳар 11 кишидан биттаси мазкур соҳада меҳнат қилади. Агар 2012 йилда туризм ва саёҳат соҳасида 383,5 минг киши банд бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич яна 2,6 фоизга ўсиб, 393,5 минг кишига етди. Мамлакатдаги барча инвестицияларнинг қарийб чорак қисми 2012 йилда туризм секторига киритилди – 22,4 млрд. АҚШ доллари.

13. БАА ўзининг ҳаво транспорти билан фахрланади. Унинг “Etihad Airways” ва “Emirates” авиакомпаниялари БААнинг рамзи бўлиб хизмат қилади. 2000-2012 йиллар давомида БАА ҳаво йўллари орқали йўловчи ташиш 6,9 млн. кишидан 59,1 млн кишигача, яъни 8,6 мартага, БАА ҳаво йўллари орқали юк ташиш ҳажми 1456 млн. тонна км.дан 11898 млн.тонна кмгача, яъни 8,2 мартага ўсган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ҳаво йўлларида юк ташиш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати 18 фоизни ташкил этган.

14. Жаҳон хўжалик амалиётида тўпланган тажрибалардан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш моделининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликларининг жаҳон товарлар ва хизматлар бозорига интеграциялашуви бўйича қатор ижобий тажрибага эга бўлиб, мазкур тажрибани Ўзбекистонда қўллаш мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида муҳим роль ўйнаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги

низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари:

8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

13. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

18. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

килади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

19. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

20. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2013, 19 январь.

IV. Асосий адабиётлар:

21. Аппель Д.Ж. Эффективные инвестиции. Как зарабатывать на росте и подобие акций, инфляции, скачках на нефть., и не только. Под ред. В.В. Ильина.- СПб.: Питер, 2009. - 416 с.

22. Ахметзянов И. Р. Анализ инвестиций: методы оценки эффективности финансовых вложений. — М.: Эксмо, 2007. — 272 с.

23. Абзаева А.Р. Россия в мусульманском мире. Экономические и политические аспекты диалога. – М.: Ин-т экономики РАН, 2009. – 246 с.

24. Ахмадиев Р.Я. Воздействие ресурсного потенциала на социально-экономическую модернизацию арабских стран. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2007. – 205 с.

25. Бирюков Е.С. Страны ССАГПЗ на мировом рынке финансовых услуг: Монография / Е.С. Бирюков. — М. : Издательство «Экономика». 2007 — 224 с.

26. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .

27. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. М.: Российское право, 1992. — 375 с.
28. Вейн Пэнси, Жданов Сергей «Арабские страны в мировой экономике» Издательство: АНК ИЛ, Панорама Издательский дом, 2006 г
29. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.
30. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер. с англ. — 4-е изд. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. — 1340 с.
31. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.
32. Игоника Л.Л. Инвестиции: учеб- 2- е изд. перераб. и доп. - М.: Магистр, 2008. - 749 с.
33. Инвестиции: Учебник. /Под ред. Г.П. Подшиволенко. 2-е изд. - М.: КНОРУС, 2009. - 496 с.
34. Инвестиции. /Под ред. М.В. Чиненова. - М.: КНОРУС, 2008.- 364с.
35. Инвестиции: Системный анализ и управление. /Под ред. проф. К.В. Балдина. – 2-е изд.- М.: «Дашков и К», 2007.- 288 с.
36. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др.— 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. — 584 с.
37. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. М.: Финансы и статистика, 2000. - 245 с.
38. Коимыкова Т.С. Инвестиционный анализ: Учеб. пос. – М.: ИНФРА-М, 2009. - 204 с.
39. Комаров В.В. Инвестиции и лизинг в СНГ. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 424 с.

40. Кравченко Н.А. Инвестиционный анализ. — М.: Дело, 2007. — 264с.
41. Лахерере Ж. Нефть как энергоресурс: современные реалии и перспектива // Будущее нефти в качестве энергоресурса. — Абу Даби, ОАЭ: Центр стратегических исследований, 2003.
42. Липсиц И. В., Коссов В. В. Экономический анализ реальных инвестиций : учебник. — 3-е изд., перераб. и доп. — М. : Магистр, 2007. — 383 с.
43. Маренков Н. Л. Основы управления инвестициями: Учебник. Изд. 2-е, стереотипное. — М.: Едиториал УРСС, 2007. - 480 с.
44. Панасюк М.В. Экономика и внешнеэкономическая деятельность исламских стран Ближнего и Среднего Востока: Учебное пособие / М.В. Панасюк — Казань: ТГГПУ, 2008. — 192 с.
45. Ример М. И., Касатов А. Д., Матиенко Н. Н. Экономическая оценка инвестиций. 2-е изд. / Под общ. ред. М. И. Римера. — СПб.: Питер, 2008. — 480 с.
46. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент — 2004. — 224 с.
47. Сухарев Э.С. Синергетика инвестиций: Учеб. пос. - М.: Инфра-М, 2008. - 368 с.
48. Сухарев О.С. и др. Экономическая оценка инвестиций: учеб.-прак. пособ. — М.: Альфа-Пресс, 2008. — 244 с.
49. Теплова Т. В. Инвестиционные рычаги максимизации стоимости компании. Практика российских предприятий /Т.В. Теплова.-Москва: Вершина, 2007. — 272 с.
50. Симмонс Мэтью Р. Закат арабской нефти. Будущее мировой экономики/ Пер. с англ. В. Н. Горбатко. — М.: Поколение, 2007. — 496 с.
51. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учеб. пос. — М.: КНОРУС, 2009. — 320 с.

52. Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. — СПб.: “Два Три”, 1996. — 317 с.

53. Шапкин А. С, Шапкин В. А. Управление портфелем инвестиций ценных бумаг. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2007. - 512 с.

54. “2012 International tourism results and prospects for 2013”, UNWTO news conference HQ, Madrid, Spain 29 January 2013

55. United Arab Emirates, Travel & Tourism Economic impact 2012.

V. Қўшимча адабиётлар:

56. Бекмуратов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaro munosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.

57. Бляхман Л.С. Факторы конкурентоспособности экономики стран СНГ. //Проблемы современной экономики. – 2007. - №3 (23). – с.5-8.

58. Гайбуллаев Ф. Стимулирование иностранных инвестиций в нефтегазовую отрасль Узбекистана.// Рынок, деньги, кредит, 2005, №3.

59. Джураева К., Мурадова Х., Юсупов Ю. Экономические реформы и привлечение иностранных инвестиций: уроки прошлого и перспективы развития.// Экономическое обозрение, 2003, №2.

60. Данилов А.М. Анализ тенденций развития торгово-экономического сотрудничества с государствами СНГ (динамика объемов торговли, товарной структуры экспорта и импорта, оценка торговли услугами). //Внеэкономическая бюллетень. 2004. №11. – с.41-45.

61. Зевин Л.З., Ушакова Н.А. Россия и Центральная Азия: Проблемы и перспективы экономических отношений // Восток=Oriens. - 2005. – №2. - С.77-89; №3. - С.91-103.

62. Никулин Н.Н. СНГ в международном разделении труда: национальные интересы и экономическая стратегия. //Вопросы статистики. 2005. - №10. – с.68-72.

63. Хикматов А.Х. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане. // Рынок, деньги и кредит. Ташкент: 2000. № 6.
64. Шишков Ю.В. Отечественная теория региональной интеграции: опыт прошлого и взгляд в будущее. // Мировая экономика и международные отношения. 2006, №4. – с.54-63.
65. Шодиев Р. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития. // Xalqaro munosabatlar. 2001, №3. - с.31-38.
66. Юсупова Н. Сегментальное изучение инвестиционного консалтингового рынка Республики Узбекистан. // Экономический вестник Узбекистана, 2004, №9-10.
67. Юлдашев Ш. Государственное регулирование инвестиционной деятельности. // Рынок, деньги и кредит. Ташкент: 2002. № 2.
68. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида таъқиқоти фаолияти асослари. – Тошкент, 2004. – 321б.
69. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998. – 618 p.
70. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997. – P.7-9.
71. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998. – 51 p.
72. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933. – 123 p.
73. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Theory of Effective protection and Resource Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3. - P.259-282.

74. Brown, David, and John Early. 2000. "Privatization and Enterprise Restructuring in Russia: New Evidence from Panel Data on Industrial Enterprises". Working Paper, Russian-European Centre For Economic Policy, Moscow.
75. Djankov, Simeon, and Peter Murrell. 2000. The Determinants of Enterprise Restructuring in Transition: Assesment of the Evidence. Washington, D.C.: World Bank.
76. Djankov, Simeon. 1999. The Restructuring of Insider Dominated Firms. *Economics of Transition* 7 (2). – P.467-479
77. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – *American Economic Review*, 1966, September, Vol. 56. – P. 679-733.
78. A. Harrison. Openness and grows: a time series, cross-country analysis for developing countries. – National Bureau of Economic Research, Working Paper N5221. – P. 2-3.
79. Fridman, Roman, and others. 1993a. The Privatization Process Europe. Budapest: Central European University Press.
80. Krugman P. Import protection as Export promotion: International Competition in the Presense of Oligopolies and Economies of Scale. In: *Monopolistic Competition and International Trade*. – Oxsford Univ. Press, 1984. – P.254-289.
81. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Prebish Lecture at UNCTAD, 1988, Geneva, October 19.
82. Ricardo David. The Principles of Political Economy and Taxation. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951. – 263 p.
83. Stark, David, and Laszlo Bruszt. 1998. Postsocialist Pathways: Transforming Politics and Property in East Central Europe. Cambridge, MA: Cambridge University Press.

84. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, N58, 1948. – P.163-184.

85. Peters T. Austin N.A. Passion and Excellence. N.Y. 1985. – P.117.

86. Samuels, J.M., Wilkes, F.M. and Brayshaw, R.E. (1990) Managment of Company Finance, Chapman and Hall, Ch. 22.

87. Wilkes, F.M. (1989) Operational Research: Analyses and Applications. McGraw-Hill.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

88. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 102 б.

89. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 145 б.

90. Йиллик статистик тўплам 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2009. – 386 б.

91. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. Т.: 2010. – 87с.

92. Department of Tourism and Commerce Marketing, UAE 2011.

93. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2010. – 70с.

94. Узбекистан в цифрах. Т.: 2013. – 152с.

95. Статистический ежегодник Республики Узбекистан. Т.:2013. – 371с.

96. VISA Tourism Outlook: UAE, June 2012

97. Альманах Узбекистана 2013. Т.: 248 с.

98. World Development Indicators.–N.Y., 2009. – P.57

99. UAE. 2011. United Arab Emirates Yearbook. Planet:London,2011

VII. Интернет сайтлари:

100. www.stat.uz

101. www.cer.uz

102. www.press-service.uz.

- 103. www.cisstat.org.
- 104. [www. ereport.ru](http://www.ereport.ru)
- 105. www.unctad.org
- 106. www.ifc.org
- 107. www.infostat
- 108. www.world-tourism.org
- 109. www.mol.gov.ae
- 110. www.unicef.org
- 111. www.uaeinteract.com
- 112. www.alittihad.ae
- 113. www.mofa.gov.ae